Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ● 17 сентябрь 1969 йил, чоршанба ● № 217 (14.380). ● Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКАМИЗ далаларида пахта йиғим-терими авж олмоқда. Мавсумни биринчи бўлиб бошлаб берган Бухоро областидаги Қоракўл райони хўжаликлари йиғим-теримда пешқадамлик қилишяпти. Навоий номли колхозда айниқса ишлар жадал бормоқда. Юқоридаги суратда: шу колхозининг нўпминг килограммчи теримчиси Норсултон Мўминова. Пастдаги суратда эса, Фарғона область, Ленинград районидаги «Социализм» колхозининг кунда 150 килограммдан пахта тераётган аъзоси Зайнабхон Эсонова.

И. Лазарев ва Ю. Умаров фотолари.

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР СИНОВ ОЛДИДА

Ўзбекистон пахта тозалаш саноати Совет ҳокимияти йилларида тез суръатлар билан равнақ топди. Эндиликда республикамиз пахта толаси тайёрлаш жиҳатдан мамлакатда биринчи ўринда турали. Унлаб пахта тозалаш заводлари замонавий серунум техника билан жиҳозланди. Янги конструкциядаги жинларнинг қўлланилиши туфайли меҳнат унумдорлиги икки-икки ярим баравар ошди. Ҳозир пахта тозалаш корхоналарида 150-300 тонналик пресслар қўлланилмоқда. Толани тозалайдиган махсус машиналар қўлланилаётганлиги туфайли тола анча тоза бўлиб чиқмоқда. Янги транспорт қурилмаларининг фойдаланишга топширилганлиги шарофати билан оғир қўл меҳнати тобора камайиб бормоқда. Пахта заводлари ва пунктлари қоп-қанорсиз ташиб келтирилган пахтани қабул қилиш учун қайтадан жиҳозланди. Ҳамма корхоналар ва кўпчилик тайёрлов пунктларида машинада терилган пахтани қуритиш ва тозалаш учун цехлар қурилди.

Машинасозларимиз пахтачилик саноати корхоналарига янги, серунум машина ва механизмлар етказиб бермоқдалар. Ҳозир саноатнинг бу тармоғи учун Тошкентдаги пахта тозалаш машинасозлиги заводи, Самарқанд ва Каттақўрғондаги корхоналар, Андижондаги «Коммунар» заводи пахта тозаловчининг оғирини енгил қиладиган машиналар ишлаб чиқаряпти. 1966 йилда пахта тозалаш саноати учун 15,5 миллион сўмлик техника тайёрланди. «Хлопкомаш» бирлашмасига қарашли корхоналар Совет Иттифоқидаги жами пахта тозалаш ускунасининг 35 фойизини бермоқда. Шуниси мароқлики, машинасозлик тармоғининг маҳсулотлари чет элларга ҳам чиқарилмоқда. Пахта тозалаш саноати учун ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар бир тармоқ тарзида тарифф топганлиги айниқса қувончлидир. Шу боисдан ҳам ягона техника сиёсати юритиш, пахта тозалаш саноатидаги ишларни комплекс механизациялаш ва автоматлаш учун ускуна ва машиналар комплексини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мумкин бўлиб қолди. Пахта тозалаш саноати учун ускуналар ишлаб чиқараётган Тошкентдаги «Хлопкомаш» заводи ва Андижондаги «Коммунар» заводлари реконструкция қилинмоқда. Кўпгина корхоналарда маҳсулотнинг янги турларини тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. Партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг, «Хлопкомаш» республика бирлашмаси раҳбарларининг асосий вазифаси янги корхоналар қурилишига диққат-эътиборни кучайтиришдан, пахта тозалаш саноатини янги техника билан таъминлашдан ҳайрли ишга қўл урган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Пахтакорларимиз йил бўйи тер тўкиб ишлаб, мўл ҳосил етиштирдилар. Сал кунда йиғим-терим ҳам авж олиб кетади. Бу мавсум доқчоллар билан бир қаторда пахта тозалаш саноати ходимлари учун ҳам жиддий имтиҳондир. Саноат бу тармоғининг меҳнаткашлари янги мавсумга тайёргарлик кўрмоқдалар. Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент трестларига қарашли ҳамма корхоналар мавсумга тахт қилиб қўйилди. Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон АССР.да пахта тозалаш заводлари ҳам бугун-эртага тўла-тўкис ремонтдан чиқарилади. Пахтанинг ялпи ҳосили йил сайин кўпайиб бораётганлиги ва машинада пахта териш ортиб бораётганлиги туфайли пахта тозалаш саноатини янада ривожлантириш ва уни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Шу яқин йиллар ичида пахта тозалаш саноати ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа машинада терилган ҳосилни йил мобайнида эмас, балки узоғи билан 5-6 ой ичида қайта ишлаб олишдан иборат. Шунга эришганимизда, толанинг сифати янада яхши бўлади, ҳом ашёни асраш учун кетадиган сарф-ҳаражатлар камаяди. Бунинг учун эса янги заводлар ва пунктлар қуриш лозим. Шу беш йилликда ана шу вазифани бажара бориб, кўпгина янги корхоналар ва тайёрлов пунктлари фойдаланишга топширилди. 1970 йилда 3 та янги завод, 7 та пункт қуриб битказилиши лозим. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айрим қурилиш трестлари, хусусан Хоразм ва Қашқадарё областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда иш кўраётган трестлар пахта тозалаш саноати корхоналари қурилишига ишчи кучи ва маблағларни кам ажратмоқдалар. Натижада янги корхоналарни қуриб битказиш чўзилиб кетмоқда.

Пахта заводларини ва пунктларини ҳом ашёнинг сифатини тез ва аниқ белгилаб берадиган приборлар билан таъминлаш ҳамон орқада келмоқда. Корхоналарда ана шу приборларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда лабораториялар жиҳозлари ва приборлари тайёрлайдиган махсус завод қуриш тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиш пайти келди.

Илгари пахта тозалаш саноати корхоналари республикада нотекис жойлашган бир кезларда, пахта қайта ишлаш учун юз ва ҳатто минг километр масофага ташилар эди. Эндиликда республикамиз областларидаги пахта заводлари асосан етиштирилган ҳом ашёни от-улов билан узоққа ташиб юрмасдан қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Бу эса кўплаб маблағ ва ишчи кучларини тежашга имкон берди. Янги ўзлаштирилаётган ерларда, хусусан Сирдарё областида пахта тозалаш саноати корхоналари қувватини оширишга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Партия, совет ва хўжалик ташкилотлари пахта тозалаш саноати корхоналарини малакали ишбилармон мутахассислар ва ишчилар билан мустаҳкамлашга, саноат бу тармоғининг меҳнаткашларига унумли ишлаш учун яхши шароит яратиб беришга алоҳида эътибор бермоқлари лозим. Пахтакор деҳқонларимиз билан бир сафда туриб, Ўзбекистоннинг эзло сифатли толаси учун курашаётган пахта тозаловчилар ўз зиммаларидаги вазифаларни шараф билан ўтайдилар.

ДЕФОЛИАЦИЯГА КИРИШИЛДИ

НАРПАЙ, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Райондаги «Партия XXII съезди», «Иттифоқ» колхозлари пахта теримини биринчи бўлиб бошлаб бердилар. «Иттифоқ» колхозининг ўртоқ С. Шомуродов бошлиқ бригадасида 32 киши бир кунда 2500 килограмм пахта терди. Шунингдек, У. Қосимов ва А. Туробов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам кунда йиллик планнинг бир процента миқдорида пахта тайёрлаётирлар.

Хўжаликларда машина теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу йилги ҳосилнинг 72 процентини агрегатларда териб олишга аҳд қилган «Коммунизм» колхозида гўза барглариии сунъий тўкдиришга киришилди. Карим Икромов, Жўра Рўзиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ОДНлардан самарали фойдаланилмоқда. Улар орқали гўзаларга сифатли қилиб дори сепляпти.

Колхозда тагин бир неча кундан кейин машина терими бошланади. Бунинг учун агрегатлар шай қилиб қўйилган.

ФАРҒОНАДАН «ФАРҒОНА»ГА

МИРЗАЧЎЛ («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан). Фарғонайинг таъриф-тавсифига сўз топиш қийин. Водий меҳнат аҳли бу диёрни гуллатиб-яшнатди, боғ-роғларга бурқади. Эндиликда Мирзачўлни ҳам ана шундай сўлим диёрга айлантириш пайти келди. Бунга фарғоналиклар «лаббай» деб жавоб беришяпти.

Шу йилнинг ўзидаёқ Фарғона водийсидан жуда кўп кишилар Мирзачўлга кўчиб келишди. Улар орасида Қува районидан келган ёш механизатор Адолатхон Ортиқова ҳам бор. Адолатхон Мирзачўл районидаги «Фарғона» совхозининг биринчи бўлимида меҳнат қиляпти. У ҳар куни 6-7 гектар гўза қатор ораларини культивация қилиб, механизаторлар мусобақасида голиб чиқмоқда.

Айни вақтда Адолатхон Ортиқова «зангори кема»сини ҳам ремонтдан чиқариб қўйди. У мавсумда машина бункеридан 100 тонна пахта тўкмоқчи.

Фарғона қизи шу кунларда янги ҳосил, йиғим теримига пухта тайёргарлик кўряпти.

МЎЛ ОЗУҚА

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Балиқчи районидаги «Ўзбекистон» колхозининг чорвадорлари қишловга намунали тайёрлик кўрмоқдалар. Колхозда дала хашак тайёрлаш ва силос бостириш йиллик планлари ортиги билан бажарилди. Пландаги 1150 тонна ўрнига 1161 тонна дала хашак жамаралди. 1580 тонна силос бостирилди.

Шу райондаги «Победа», Киров номли, «Пахтакор», «Социализм», Охунбобоев номли, Избоскан районидаги Ленин номли, «Ленинград», «Коммуна», «Шарқ юлдузи», Хўжаобод районидаги «Ленинград», Ленин районидаги «Правда Востока» колхозлари ҳам дала хашак тайёрлаш йиллик планини ado этдилар.

Умуман Андижон областида 50 дан ортиқ хўжалик дала хашак жамаришш планини бажарди. Яна 40 га яқин хўжалик маррага етай деб қолди.

ШОЛИ ЎРИМИ ҚИЗҒИН

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Она-Ватанга бу йил камида 62 минг тонна шоли етказиб бериш учун курашаётган Қорақалпоғистон Автоном республикаси шолиқорлари шоли ўриш ва янчиш ишларини кун сайин авж олдирмоқдалар. Ҳамма хўжаликларда шоли ўрими қизғин бораяпти. Тахтакўпир районидаги «Қораўзак», Шуманай районидаги «Партия XXII съезди», Қўнғирот районидаги «Олтинкўл» совхозларида шоли ўрими айниқса кучайтириб юборилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

АҲДГА ЯРАША

«Беш йиллик планни муддатидан бир ой олдин бажарамиз. Пландан ташқари 930 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Беш йилликнинг тўртинчи йилида маҳсулотни реализация қилиш ўтган йилдагига нисбатан 10,4 процентга меҳнат унумдорлиги 9 процентга ортади».

Андижондаги Володарский номли тикувчилик фабрикаси меҳнатларининг аҳди ана шундай. Аҳдга яраша меҳнат қилаётган коллектив ленинча вахтада туриб ишлаб, ойлик ва квартал планларини ҳар доим орттиряпти бажармоқда. Улар икки кварталдан бери Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ҳамда тўкимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзи республика комитетининг Кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида ушлаб турибдилар.

Тикувчилар саккиз ойлик планни барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича орттириб адо этдилар. Пландан ташқари 580 минг сўмлик кийим-кечак сотилди.

Корхона ишчилари резервларнинг ленинча кўрилгини намунали ўтказяпти. Янги-янги имкониятлар топилиб ишга солинмоқда. Ана шундай резервлардан бири ишлаб чиқариш нормаларини қайта кўриб чиқишда аён бўлди. Фабрикада 1899 та техник жиҳатдан асосланган норма бор. Бу ерда ўша нормаларнинг 650 таси қайта кўриб чиқилди ва маҳсулот тайёрлашдаги сермеҳнат жараёнларни енгиллатиш тадбирлари амалга оширилди. Нормаларни қайта кўриб чиқиш фабрика бўйича 4,5 минг сўм маблағ тежашга олиб келди.

Тежалгани—нақд бойлик

◆ ◆

Умуман, резервларнинг ленинча кўриги учун бошланган юриш коллективнинг тежамкорликка қаратилган амалга ошираётган тадбирлари билан уйғунлашиб кетмоқда.

Тажриба цехида андозаларни рационал жойлаштириш йўлга қўйилди. Бу тадбир материални бичиш жараёнида қийим ва дастгоҳларни камайтириш имконини берди. Шу йўл билан бир йилда 20 минг квадрат метр материал тежаляпти.

5-тикувчилик цехида конвейерлар қайта қуриб монтаж қилиб чиқилди ва агрегат — группа потоки ташкил қилинди. Натижада, кийим тикиш технологияси такомиллашди ва 5,1 минг сўм маблағ иқтисод қилинди.

— Коллективимиз, — дейди фабрика директори А. Коган, — доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида астойдил ишламоқда. Ҳозир 1320 тикувчи ўз шахсий мажбуриятига эга. 1260 чевар костромалик тўқувчи В. Плетнёванинг издоши ҳисобланади. Машҳур тўқувчининг издошлари бўлган Муборак Абдураҳмонова, Санобар Зокирова, Тўхта Абдуллаев, Қумрихон Маткаримова каби чеварларимиз 1970 йил ҳисобига ишлаяптилар.

Шу кунларда фабриканинг И. Сайфутдинова, С. Зарофьенц бошлиқ цехларининг чеварлари доҳий туғилган куни тежалган маблағ эвазига бир смена ишлаб бериш ташаббусини бошладилар. Бу ўртоқлар бошлиқ тикувчилар йил бошидан бери пландан ташқари 5 минутдан кийим тикиб бердилар.

Корхона ишчилари, инженер техник ходимлари бу йил 8 минг квадрат метр мато тежашга аҳд қилган эдилар. Улар бу мажбуриятни Улуғ Октябрь байрамигача ado этадилар. 1970 йилнинг дастлабки тўрт ойи ичида 8 минг квадрат метр мато тежашга аҳд-паймон қилинди.

М. НИЕЗОВ.

АНДИЖОН ҲАМ ТЕРИМГА ТУШДИ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Андижон далаларида ҳам пахта очилди. Марказий Фарғонада жойлашган Бўз районининг пахтакорлари теримни бошлаб юборди лар. «Янги турмуш», «Янги ҳаёт», Тельман номли, Карл Маркс номли колхозларнинг пахтакорлари теримнинг дастлабки қунидаёқ йиллик планнинг салкам бир процента миқдорида пахта тайёрладилар.

Москва, Балиқчи, Андижон, Ленин ва Хўжаобод районларидаги қатор хўжаликлар ҳам теримга тушди. Андижон районидаги «Ямбол» колхозининг Алижон Тожибоев бошлиқ бригадаси ҳар куни йиллик планнинг бир процента миқдорида пахта топширяпти. Шу райондаги Карл Маркс номли колхознинг 40 центнерчилик ҳаракатига қўшилган И. Исмоилов, Ф. Абдураззоқов, Н. Комилов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам пахта йиғим-терими қизғин тус олди. «Ленинград», Дзержинский номли, «Гулистон» колхозларининг пахтакорлари ҳам дастлабки тоннаҳларни хирмонга тўкишди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ПАРРАНДАБОҚАРЛАР ҒАЛАБАСИ

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон АССРнинг кўпгина районларида тухум тайёрлаш қизғин давом этмоқда. Чимбой райони паррандабоқарлари бир миллион донадан кўпроқ тухум топшириб, йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Шунингдек, Нукус ва Тахтакўпир районларининг паррандачилари ҳам тухум топшириш бўйича белгиланган йиллик планни ошириб ado этдилар.

ОЛМА ПИШ...

Сурхондарё областида ҳанузгача сабзавотчиликка иккинчи даражали иш деб, пакка орасидан қараб келаётган хўжалик раҳбарларини кўплаб учратиш мумкин. Баҳорда айрим хўжалик раҳбарларининг айби билан сабзавот экинлари пландагидан 200 гектар кам экилди. Шунга қарамай, эртаги ва кечки сабзавот экинлари экиш ҳисобига бажарилмай қолган планни қоплаш юзасидан ҳам ҳеч кандай амалий иш қилинмади.

Сурхондарёда картошка ва сабзавот экинлари пландагидан анча кам экилганлиги устига уларни парвариш қилишга ҳам кўпчилик жойларда эътибор берилмади. Оқибатда сабзавот ва картошкадан жуда паст ҳосил етиштирилди. Ёки 8 ой давомида ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан давлатга 1500 тонна кам сабзавот, 1100 тонна кам картошка сотилди.

Колхоз ва совхоз раҳбарларининг картошка етиштиришга масъулиятсизлик билан бефарқ қараб келганликлари оқибатида бозорларда бу маҳсулотнинг нархи анча кўтарилиб кетди. Бир килограмм картошканинг бозор баҳоси ҳатто 1 сўмдан ҳам ошиб кетди.

Шу нарса айниқса ачинарлики хўжаликларга қарашли 1534 гектар ердаги сабзавотдан ярмидан кўпроғи ҳанузгача йиғиштириб олинмай турибди. Шунинг учун ҳам давлатга сабзавот сотиш плани бор-йўғи 50 процент, картошка сотиш плани эса 55 процент атрофида ado этилди. Ўтган йили шу даврда эса бу маҳсулотларни сотиш йиллик планлари анча ошириб белгиланган эди.

Сабзавот сероб бўлсин!

◆ ◆

Бир қатор колхоз ва совхозларда сабзавот экинлари қаровсиз ташлаб қўйилганлиги ўз вақтида йиғиштириб олинмаганлиги сабабли нест-нобуд бўлиб кетди. Масалан, ўртоқ О. Жумаев директор бўлган Абдулла Набиев номли совхозда 5 гектар майдонга экилган пиёз сувсизликдан қуриб, яроқсиз бўлиб кетди. Қолган майдонлардаги сабзавот экинлари ҳам парвариш қилинмагаилиги ўт босиб, ҳашарот тушиб кетганлиги сабабли деярли ҳосил бермади. Сариосиё районидаги Ленин номли колхозда сабзавот экинлари сувсиз қуритиб юборилди. Натижада бу хўжалик 16 тонна сабзи, 43 тонна карам, 5 тонна лавлаги, 6 тонна бодринг ўрнига бор-йўғи 5 тонна кўк пиёз сотди. Қолган сабзавот маҳсулотларидан бир килограмм ҳам топширмади.

Жарқўрғон районидаги ихтисослаштирилган «Ленин йўли» совхози ва Термиз районидаги шаҳар атрофида жойлашган хўжаликлар область марказидаги аҳолини сабзавот, полиз маҳсулотлари ва картошка билан таъминлаш бўйича белгиланган топшириқларни бажармай келяптилар. Бойсун, Шеробод ва Гагарин районларининг сабзавотчилари давлатга картошка сотиш планини эндн 20-30 процент уддаладилар.

Биз Сариосиё районидаги сабзавотчиларнинг ишини кўздан кечирар эканмиз, тайёрлов контораларидаги аҳволни ҳам кўришга қизиқдик. Конторанинг ҳовлисига киришимиз билан димоғимизга ёқимсиз ҳид урилди. Бундай қарасак, контора омбори эшиги олдида юзлаб ялчик ачиган ва айниб бузилиб кетган помидор уюлиб ётибди. Суриштириб билсак, 10 тоннадан ошиқ экан.

— Бу маҳсулотларни нега ачитиб қўйдингиз? — сўрадик контора мудири ўртоқ Мустафо Ҳасановдан.

— Қўйишга ва сақлашга жойимиз бўлмаса, нима қилайлик...

— Томат қайнатсангиз бўлмайдими?

— Бундай имкониятга ҳам эга эмасмиз.

Кейин маълум бўлишича контора мудирининг зорлангаиича ҳам бор экан: область матлубот жамияти правленеиси 70 минг сўм пул сарфлаб 60 тонна сабзавот сақлашга мўлжаллаб қуриб берган омборни қўшни колхоз пахтазорларидан оқиб келган сув босиб кетган. Сувнинг баландлиги 2 метрга яқин бўлиб, омборга қайиқ билан сузиб бормаса, бошқа иложи йўқ. Омбор территориясидаги ящиклар ва бошқа материал ҳамда маҳсулотлар сув остида қолиб кетган. Область матлубот жамиятининг раҳбарлари В. Асанов, С. Рустамов ўртоқлар бундай аҳволни кўра-била туриб, мутлақо эътибор бермайдилар. Ҳатто, 1966 йилда бошланган бостирма ҳанузгача битказилмай, чала қурилганича ташлаб қўйилган.

«Қовун-ковундан ранг олади», деганларидай область матлубот жамияти раҳбарларининг муносабатини кўрган район матлубот жамиятидагилар тайёрлов конторасини «ўғай» деб ҳисоблайдилар. Ҳамма омборлар узоқ вақтдан буён ремонт қилинмай турганлиги сабабли яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Сурхондарё области бу йил 1300 тонна сабзавот, 1500 тонна картошка, 6000 тонна қовун-тарвуз сотиш мажбуриятини олган. Аммо, бу вазифанинг ҳали ундан кичик қисми ҳам ado этилган эмас. Шу иш билан бевосита шуғулланадиган область қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трестининг раҳбарлари ва мутахассислари негадир пинакларини бузмаяптилар. Афтидан, улар ҳам «олма пиш, оғзимга туш»... деб, кутиб ўтирганга ўхшайдилар!

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Л. И. БРЕЖНЕВ ПХР ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 15 сентябрда Польша Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси ўрток Я. Пташиньскийни унинг илтимосига кўра қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

ХАСКОВОДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи делегацияси 16 сентябрда Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегацияга Хасково округ партия комитетининг иккинчи секретари Д. Атанасов бошчилик қилмоқда. Тошкент аэропортида меҳмонларни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов ва бошқалар кутиб олдилар.

Хасково округининг вакиллари Ўзбекистонда ўн кун бўлишади. Улар Тошкент областининг саноат корхоналари ва колхозларида оммавий-сиёсий ишнинг қандай қўйилганлигини ўрганадилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Қашқадарё областининг комсомол ва ёшлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўра бориб, барча колхоз, совхоз, саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, қурилишлар, ўқув юртларида шу йилнинг сентябрь ойи бошида бўлиб ўтган комсомол йиғилишларида 1969 йил пахта ҳосилини тез ва сифатли йиғиб-териб олиш юзасидан ўз устларига шахсий мажбуриятлар олишди.

Бу мажбуриятлар область комсомол комитетининг яқинда бўлиб ўтган VIII пленумида тўла маъқулланди. Область комсомол ташкилоти ҳисобида турган 67 минг ВЛКСМ аъзосидан 50 минг киши пахта йиғим-терим кампаниясида иштирок этади. Шулардан 898 киши — «Зангори кема» капитанлари 71.110 тонна, қолган 49 минг комсомол аъзоси эса 75 минг тонна «оқ олтин» териб беради. Бу область давлатга топширадиган пахта планнинг 50 процентини ташкил этади.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретариати Ленин юбилейи йилида ўз устларига пахта йиғим-теримида шахсий мажбуриятлар олган Қашқадарё область комсомолларининг ташаббусини маъқуллади.

Область, шаҳар, район комсомол комитетларига, барча бошланғич комсомол ташкилотларига ҳар бир комсомолнинг ҳосилни йиғиб-териб олишдаги конкрет мажбуриятларини комсомол йиғилишларида муҳокама қилиш, барча пахта териш машиналаридан, қўлда пахта теришда ҳар бир соатдан унумли фойдаланишни, ҳосилни ортиш ва тушириш жараёнларини механизациялашни назорат остига олиш, ҳеч қандай кобудгарчиликка йўл қўймаслик, юбилей йили ҳосилини йиғиб-териб олиш бўйича комсомол ва ёшлар орасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш вазифалари топширилди.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Лоҳутий кўчасида қурилган кўп қаватли уй-жой биноларн И.Глауберзон фотоси.

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

Олмалиқ химия заводи қурилишида

Улкан химия заводининг ишга тушишига саноқли ойлар қолди. Бу ой Олмалиқ химия корхонаси бунёдкорлари учун ҳар қачонги- дан ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Деярли барча корпус ва цехларда ҳал қилувчи поғона — сўнгги қурилиш-монтаж ишлари- ни жадаллик билан поёнига етказишга киришилди. Марказий аммофос ва экстракция цехларида бошқа объектларга қарагандa анча масъулиятли юмушлар ҳал этилиб- ди. Цех томига шифер ётқизиш ҳам қизғин. Шуни ҳам айтиш ке- рак, цех томини ёпиш му- ҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Чунки, ҳадемай ёғин-сочин бошланади. Маболо, цехлар усти очиқ қолгудек бўлса, улар ичида олиб борилаётган қури- лиш-монтаж ишига ёғингарчилик ҳалал бериши, асбоб ускуналарга зарар етказиши мумкин. Шу мақ- садда «Стальмонтаж» бошқармасидан махсус бригада ажратилиб, аммофос цехига бириктириб қўйилди. Бошқарма бош инженери И. Фадеев ва Олмалиқ санитария техника монтажи бошқармаси бошлиғи Г. Проскоповлар тунукун шу ҳақда бош қотиришяпти.

Шу кунда аммофос цехининг устини ёпиш билан бир қаторда бу ерда йирик ускуналарни ўрна- тиш ишлари ҳам тезлик билан бажариляпти. Шу кунгача аммо- фос цехининг ўзида юз хилга яқин ускуна ўрнатилди ва улар сифатли монтаждан чиқарилди. Бундай ҳолни бошқа корпусларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Завод қурилишида то шу кун- гача электрикларнинг унумли иш- лаши мушкул эди. Узоқ вақт улар учун иш фронти яратиб беришга шароит бўлмади. Мана, энди улар- га барча шарт-шароит яратиб бе- рилди. Улар ўрнатилган мавжуд ускуналарни технологик синовлан ўтказаётирлар. Электриклар ам- масида ҳали муҳим вазифалар турибди. Улар қолган шу қисқа вақт мобайнида энергетик объект- ларни тахтлаб фойдаланишга топ- ширишлари, цехлардаги ва ёрдам- чи хизмат пунктларидаги кўп тар- моқли мураккаб электр йўллари қурилишини қўлдан чиқаришлари лозим. Бу борада Абдуфаттоҳ Ак- рамов бошлиқ коллектив электр монтажчи бригадалар орасида пешқадамлик қилаётир. Уларнинг ишига В. Шмидко ва Ш. Ягофаров каби тажрибали инженерлар раҳ- барлик қилишяпти.

Ўртоқ Акрамов бошлиқ брига- да коллективи гайёр маҳсулот омборидаги ўзларига тегишли барча юмушларни муддатидан илгари адо этиб, шу кунларда комп- рессор станциясида монтаждашни бошлаб юборишди. Д. Абдуали- мов, А. Кудашкин, Н. Луценко, В. Акрамов, В. Яценко сингари сер- ғайрат монтажчилар смена топ- ширикларини муттасил 1.5-2 ба- равар ушлаб, заводнинг белги- ланган муддатда фойдаланишга топшириш юзасидан ишчилар ора- сида авж олган социалистик му- собқада голиб чиқишяпти. Х. Си- рожиддинов бошчилик қилаётган монтажчилар бригадаси ишчила- ри қўлга киритаётган ютуқлар ҳам завод қурилиши ишига ба- рака киритяпти. Ўзар аммофос цехи томини ёпиш ишига 25 ав- густда киришганларига қарамай ой охиригача 2500 квадрат метр майдонда шифер қоплашга муваф- фақ бўлишди. Бу кўзда тутилга- нидан бир неча баравар ортиқ- дир. Шинжаткор ва сергайрат монтажчилар сентябрь ойида ба- жариладиган ишлар юзасидан қў- шимча мажбурият олиб, цех то- мини сентябрь ойининг 25 куни- гача ёпишга аҳд қилишди.

Шу нарса ҳаммага аёнки, Олмалиқда барпо этилаётган бу ги- гант химия корхонаси мураккаб технологик қурилмаларига эга бўлган механизм ва автоматлар воситаси билан иш кўради. Ҳозир ўрнатилаётган ва монтаж қи- линаётган деярли барча ускуна- лар ҳамда муҳим қурилиш мате- риаллари иттифоқимиздаги узоқ корхоналардан олиб турилибди. Бироқ, баъзи корхона ва бош- қармалар завод қурилишини ус- куналар билан таъминлаб туриш юзасидан ўз устларига олган мажбуриятларини қалбдан ҳис этмаётирлар. Бу, қурилиш суръ- атига салбий таъсир кўрсатяпти. Масалан, «Союзглавметалл» бош- қармасига қарашли Қарағанда ме- таллургия заводи Олмалиқ химия гиганти қурилиши учун шу кун- да зарур бўлиб турган 5 миллим- метрли пўлат тунуналарни ҳануз юборгани йўқ. Ҳолбуки, бу тунु- налар шу йилнинг иккинчи квар- талидаёқ завод биноларни қўл- лига тегиши керак эди.

Шу кунларда ўрнатилган йирик ускуналарни технологик синов- дан ўтказишга киришиш даркор эди. Бунинг учун эса энергетик объектлар ишга туширилиши лоз- им. Бу объектларни ишга туши- риш ўз навбатида ойна тутқич- лар монтажчилар қўлида тахт бў- лишини талаб этади. Скопино шаҳ- ридаги «Техстекло» заводи ўт- ган ойдар мобайнида 10 минг до- на ойна тутқичларни кам етказиб берди. Тўртинчи кварталда эса завод Олмалиқ химия корхонаси қурилишига 30 минг дона шундай материаллардан юборишга сўз берган. Аммо, бундан ҳамон да- рак бўлмаяпти.

Бундай етар-етмаслиқларнинг даркор олдини олиб, қурувчи монтажчиларни тегишли биноқор- лик материаллар билан таъмин- лаш, улар учун тўла иш фронти ҳозирлаб бериш, тадбиркорлик билан иш кўриш, қолган қиммат- ли дақиқалардан самарали фой- даланиб корхонани муддатида фойдаланишга топшириш учун мутасил жонкуярлик кўрсатиш буюртмачи ва пудратчи ташки- лотларнинг шу кундаги асосий вазифасидир.

Х. УСМОНОВ,
биноқор-инженер.
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УНВОН МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. А. МУҲАММЕДШИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар қурилишини ри- вожлантириш соҳасидаги кўп йил- лик самарали фаолияти ва бино- кор, архитектор кадрлар тайёрлаш ишидаги хизматлари учун Тошкент шаҳар ижроия комитети архитек- тура-планлаштириш бош бошқар- маснинг бошлиғи ўринбосари Ад- ҳам Абдуллаевич **Муҳаммедшинга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсат- ган биноқор» фахрий унвони бе- рилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1969 йил, 16 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Б. М. ҚАЛАНДАРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАҲРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада радиоэшиттириш ва телевидениени ривожлантириш- даги кўп йиллик самарали иши ва хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшитти- риш ва телевидение давлат коми- тетининг старший редактори Бен- сион Михайлович **Қаландаровга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсат- ган маданият ходими» фахрий ун- вони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1969 йил, 16 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Б. МАЗОРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада полиграфия саноа- тини ривожлантиришдаги самара- ли, кўп йиллик иши ва хизматла- ри учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг собиқ директори республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Аким Борисович **Мазор- га** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўр- сатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1969 йил, 16 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

УЛУҒ СИЙМОЛАР ХОТИРАСИ

Еттисой районидаги Ленин номли колхозда улкан тантана бўлиб ўтди. Бу ерда янги қурилган Ма- даният саройи ва унинг атрофи эрталабдан ишилар билан гав- жум бўлди. Райондаги колхоз ва совхозларнинг вакиллари, партия ва комсомол ташкилотларининг ходимлари, меҳнат ветеранлари, пионерлар бу ерга Карл Маркс ва В. И. Ленинга ўрнатилган қайка- ларнинг очилишига бағишланган митингга тўпландилар.

Колхознинг кекса аъзоси, пен- сионер Ғарипа Йўлдошева, моҳир механизатор Турсунхон Валиев, Ленин номидаги 1. ўрта мактаб илмий бўлимининг мудири Нўъ- мон Муродов ва бошқалар В. И. Ленин туғилган кунининг юз йил- лигига қандай тайёргарлик кўри- лаётгани ҳақида гапирдилар. Шундан сўнг шеърхонлик бўлди. Пионерлар доҳийга бағишланган шеърларни ўқидилар.

Митинг охирида колхоз қурув- чилари тухфа қилган 460 ўринли янги Маданият саройининг очили- ши маросими катта тантанага ай- ланди. Еттисойдаги область ко- зоқ музикали драма ва комедия театрининг коллективи ижросида йиғилганларга катта программада концерт қўйиб берилди.

Ш. ШЕРАЛИЕВ.

ЛЕНИНЧА ЛЕКТОРИЙ

ПАРТИЯВИЙ ИШ — ИЖОДИЙ ИШ

Қ. КАМОЛОВ,
Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари.

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда Коммунистик партия раҳбарлиги ва раҳнамолигида хў- жалик ва маданий қурилиш соҳа- сида улкан муваффақиятларга эришди. Қорақалпоқ ерида ҳам чуқур социал-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Улуғ Октябргача меҳнаткашлари қашшоқликда яша- ган чекка ўлка эндиликда йирик завод ва фабрикалар, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалик ўлкасига, шаклан милли, мазмунан социалистик мадания- ти барқ уриб гуллаб-яшнаётган, ёппасига саводхон ўлкага айланди.

КПССнинг жанговар отрядлари- дан бири бўлган Қорақалпоғистон область партия ташкилоти партия ташкилий қурилишининг ленинча раҳбарлик принциплари, партия ва давлат интизомининг ленинча нор- малари асосида ўсди ва камол топ- ди. Область партия ташкилоти ўзи- нинг қўйи звеноларига ақиқ раҳ- барлик қиладиган бўлиб қолди. Ле- нинча иш услуби коллектив раҳ- барликни, шахсий жавобгарлик, назария ва тажрибанинг, ташкилий ва снесий ишларнинг бирлигини, қабул қилинган қарорларнинг ижро- си устидан доимо назорат олиб боришни, иш ва сўз бирлиги, кадр- ларни танлаш ва тарбиялаш, масъулиятни сезиш принципларига амал қилишни тақозо қилади.

Қорақалпоғистон область партия ташкилоти раҳбар кадрлар от- рядини шакллантириш, уларни тар- биялаб, снесий ва ғоявий жиҳат- дан чиниқтиришга жиддий ғамхўр- лик қилмоқда. Бугунги кунда биз партия, хўжалик ва маданий қури- лишнинг барча соҳаларида қоби- лиятли,ташаббускор ишбилармон раҳбарлар, халқ оммасининг моҳир ташкилотчилари ишлаяпти, деб да- дил айта оламиз.

Агар раҳбар партия хўжалик звеносининг структурасини таҳлил қилсак, нейниги йилларда, айниқ- са КПСС XXIII съездидан кейин у муттасил яхшиланиб бораётганини кўрамиз. Ҳозирги вақтда область партия комитетининг номенклату- расига кирадиган ходимларнинг 84 процентга яқини олий ва ўрта мах- сус маълумотга, 22 киши эса ил- мий даражага эга. Барча район партия комитетлари ва Нукус ша- ҳар партия комитетининг секрета- лари олий маълумотли кишилар- дир. Бошланғич партия ташкилот- лари секретарларининг сифат сос- тави ҳам яхшиланди, эндиликда уларнинг 92 проценти олий ва ўр- та махсус маълумотга эга.

Партия ташкилотлари колхоз ва совхозларни тажрибали ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни яхши биладиган кишилар ҳисобига мус- таҳкамлаш ҳақида доимо ғамхўр- лик қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда колхоз раислари ва совхоз дирек- торларининг аксарияти олий маъ- лумотли кишилардир.

Жонажон партиямиз кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тар- биялаш ҳақида оталарча ғамхўр- лик қилмоқда. Областдаги кўпгина партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари ходимлари- нинг ишчанлик ва снесий сифатла- рига, ташкилотчилик қобилиятига, снесий етуклигига алоҳида эътибор бермоқдалар. Масалан, Тўрткўл район партия комитети кадрларни танлаш ва раҳбарлик лавозимла- рига тайинлашда уларнинг ана шу хусуситларини алоҳида ўрганяп- ти. Бу ерда у ёки бу вазифага ном- зод тавланганда, партия ҳужжат- ларини, характеристикаларни ўрга- нишга, ихтиёрий, ўртоқлик вазия- тида суҳбатлашиб, конкрет топши- риқлар бериб, билим даражасини текшириб ва синаб кўришга, бош- ланғич партия ташкилотларининг фикрига алоҳида аҳамият берила- ётир.

Олтин фондимиз бўлган ёш ва кекса кадрлардан фойдаланишда биз доҳий таъкидлаганидек, иш ту- тишга ҳаракат қилаётирмиз. Ёш- лар зўр ғайратга тўла, улар янгиликни тезда ҳис этишади, ижод қилишга интилишади. Кекса кадрлар эса жуда катта ҳа- ёт тажрибасига эга. Амалий ишда ана шу сифатларни тўғри қўша би- лиш ажойиб натижа беради. Ёш ва кекса кадрлардан тўғри фойдала- ниш принципи жуда катта аҳамият га эга эканлигини область партия комитети ва Нукус шаҳар партия комитети фаолиятида кўриш мум- кин. Бироқ биз бу борада ҳамон камчиликка йўл қўяётганлигимиз ни, ёшларни масъулиятли участка ларга ишга кўтаришга етарли эътибор бермаётганлигимизни очи- тан олишимиз керак. 30 ёшгача бўлган кадрлар номенклатура рўй- хатида 8 процентдан сал кўпроқ эканлиги бунинг далилидир.

Қорақалпоқ хотин-қизлари ора- сидан ҳам кўп сонли ташкилотчи, талантлар етишиб чиқди. Донгдор Ойимхон Камолова илгари оддий колхозчи эди. У Турсуной Охуно- ванинг чақиригига жавобан об- ласть хотин-қизлари ўртасида би- ринчилар қаторн пахта териш ма- шинасини бошқаришни ўрганди. Сўнг унга механизациялашган зве- нога раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Партия ташкилоти унинг ташкилотчилик қобилияти, ўзига ва бошқаларга нисбатан та- лабчанлигини, одамларга ғамхўр, ташаббускор, ҳамма ишнинг кела- жагини ўйлаб бажаришни биларди. Шу туфайли унга ўзининг назо- рий билимини оширишда ёрдам берди ва колхоз раврлеиесининг раиси вазифасига кўтарди. Ҳозир- ги вақтда Амударё районидаги Крупская номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойимхон Камолованинг номи Авто- ном Республикадан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Қосим Авезов номли совхоз бўлим бошқа- рувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳ- рамони Омонгул Сафарбоева, Ҳў- жайли районидаги Энгельс номли колхознинг раиси Энажон Мадса- поевалар областимизнинг фахри ҳисобланади.

Масъулиятли участкаларга бош- чилик қилаётган, бутун куч ва ғай- ратини умумхалқ иши учун сарф- лаётган ташаббускор хотин-қизла- римиз областда кўп. Бироқ шуни рўй-рост айтиш керакки, Кегайли, Шуманай, Кўнғирот ва Тахтакўпир район партия комитетларининг но- менклатурасидаги хотин-қизлар жуда озчиликни ташкил этади. Об- ласть партия комитетининг аппа- ратида ҳам хотин-қизлар унча-кўп эмас. Биз буни нормал бўлмаган ҳол деб ҳисобламоқдамиз ва пар- тия ташкилотлари сафини энг ил- гор хотин-қизлар ҳисобига ўсти- риш, уларни раҳбарлик лавозим- ларига дадил кўтариш юзасидан тегишли чоралар кўрмоқдамиз. Зе- ро, Автоном Республикада бу ма- саланинг ижобий ҳал қилиниши жуда катта социал ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Нукус шаҳар, Чимбой ва Мўй- ноқ район партия комитетлари раҳбар кадрларни кўплаб алмаш- тиришга йўл қўймоқдалар. Ўтган йили мазкур шаҳар ва районларда раҳбар ходимларнинг 20 процент- дан кўпроғи алмаштирилди. Бу ҳол, партия комитетлари тавсия этилаётган ходимларнинг ишчанлиг ва снесий сифатларини етарли ўр- ганмаганликларидан, кўп ҳолларда кадрларни бир жойдан иккинчи жойга ўринсиз алмаштиришга йўл қўйганликларидан далолат беради.

Область партия комитети партия комитетлари, айрим министрлик- лар ва идораларда кадрлар билан ишлаш ҳақидаги масалани ўз бю- росида мунтазам равишда муҳока- ма қилмоқда ва бу масала юзаси- дан комплекс ҳисоботларни эшит- моқда.

Коммунистик қурилиш вазифа- лари тобора кенгайиб ва мурак- каблашиб бораётгаи ҳозирги ша- роитда кадрларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, уларнинг иш малака- сини ва иқтисодий билимларини ошириш алоҳида аҳамият касб эта- ди. КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 15 февралдаги қарорига биноан кўпчилик партия, совет ва матбуот ходимлари доимий ишлов- чи партия курсларида қайта тайёр- гарликдан ўтдилар. Биз бошланғич партия ташкилотлари секретарла- рининг ўқишини табақалаштирган ҳолда икки йилдан бери соҳалар бўйича ташкил этмоқдамиз. Бу ўзининг ажойиб самарасини бера- ётир.

Партия ички ҳаётига келганда биз бу соҳада КПСС Устави талаб ларига оғишмай амал қилишга ин- тилмоқдамиз. Область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумлари, бюро мажлислари деярли ҳамма вақт белгиланган муддатларда ўтказилмоқда. Кейин- ги йилларда бошланғич партия ташкилотлари иш фаолияти анча активлашди, мазмуни бойиди. Уларнинг жанговарлиги ошди, кол- лективдаги ишнинг аҳволига, халқ хўжалиги планларининг бажари- лишига таъсири кучайди. Шу би- лан бир қаторда айрим партия ташкилотлари ишининг даражаси ва мазмуни КПСС Устави талаба- рига ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумла- рида белгиланган вазифаларга ҳа- мон жавоб бермайди. Уларнинг ай- римларида партия йиғилишлари белгиланган муддатларда ўтказил- маяпти, баъзи ҳолларда кун тар- тибига иккинчи даражали масала- лар қўйилмоқда.

Тажрибадан маълумки, ҳар қан- дай ишда тасодифий тадбирлар йиғиндиси эмас, балки зарур чора- лар бирлиги муваффақиятни таъ- минлайди. Партиявий-ташкилий ишга кўпроқ тўғри йўналиш бериш мақсадида область, шаҳар партия комитетлари, барча район партия комитетлари ҳамда кўнчилик бош- ланғич партия ташкилотлари ўтган йилдан бошлаб перспектив план- лаштиришга ўтдилар. Бу тадбир- нинг самараси тезда намоён бўлди. Перспектив план узоқ давр мобай- нида асосий эътиборни бош маса- лаларни ҳал қилишга қаратиш им- конини беради. Перспектив планлаштириш мажлислар, йиғи- лишлар сонини, бюроларда муҳо- кама қилинадиган масалалар сони- ни анча камайтириш имконини берди.

Ўтган йилнинг июль ойида об- ласть, шаҳар ва район партия ко- митетлари партия аппарати ходим- ларининг кенгаши ўтказилиб, унда партия ишининг услубини янада такомиллаштириш ва самарадорли- гини ошириш масаласи муҳокама қилинди. Кенгашда область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Новицкий доклад қилди. Ун- да КПСС XXIII съезди талаблари асосида партия раҳбарлигининг ро- ли ва аҳамиятини оширишга қан- дай қилиб эришиш мумкинлиги ҳа- қида очиқ-ойдин, принципиал гап борди. Асосий эътибор партия, со- вет, хўжалик, касаба союз ва ком- сомол кадрларни танлаш, жой-жо- йига қўйиш ва тарбиялаш ишини яхшилаш, партия аппаратининг ишини такомиллаштириш, бошлан- ғич партия ташкилотларининг та- шаббускорлиги ва жанговарлигини ошириш каби масалаларга қара- тилди. Перспектив планлаштириш, инструкторлар, партия комитетла- ри ва бошланғич ташкилотларнинг ишини яхшилаш соҳасида ижобий тажриба умумлаштирилди. Кенгаш олдидан партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари- нинг иши чуқур ўрганилганлиги. Тўрткўл, Шуманай, Чимбой район партия комитетлари инструкторла- ри томонидан иш вақтидан фойда- ланиш бўйича социологик тадқи- қотлар ўтказилганлиги масалани атрофлича таҳлил қилиш имкони- ни берди.

Шу йилнинг февраль ойида ҳам партиявий-ташкилий ишни яхши- лашга бағишланган ана шундай кенгаш ўтказилди. Бунда ҳам об- ласть партия комитети, район пар- тия комитетлари ва Нукус шаҳар партия комитетининг ходимлари кўп нарса ҳақида гапирдилар. Улар муваффақиятларга ҳушёрлик билан баҳо бердилар, камчиликлар- ни чуқур таҳлил қилдилар. Жум- ладан, область партия комитети- нинг қишлоқ хўжалик бўлими- район партия комитетларининг қишлоқ хўжалик бўлимларинг гурли хил оператив маълумотлар ғўплаш билан ўринсиз банд қилиб ўйётганлиги, ваҳолонки бу иш билан Қишлоқ хўжалик министр- лиги, совхозлар тресті ва статис- тика бошқармаси шуғулланиши ло- зимлиги таъкидланди. Махсус қа- бул қилинган қарорда область пар- тия комитетининг бўлимлари хў- жалик ташкилотларининг вазифа- сини бажаришдан иборат нотўғ- ри практикага барҳам бериш- лари, министрликлар ва идо- раларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтиришлари, ана шу министрликлар ва идора- лар ўзларининг вазифаларига тааллуқли бўлган масалаларни мустақил равишда тўла ҳал қи- лишларига эришишлари зарурлиги кўрсатилди.

Партия органларининг ўз пар- тия ташкилотлари олдида вақти- вақти билан ҳисоб бериб туриши ленинча иш принципининг, қола- верса демократик централизмнинг — партия ташкилий тузилиш принципининг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Область партия комитети ана шу талабларга асо- сан бошланғич партия ташкилотла- ри олдида вақти-вақти билан ҳи- соб беришга, ўзининг фаолияти, эришилган муваффақиятлар ҳақида коммунистларни хабардор қилиш- га, мавжуд камчиликларни қандай қилиб тугатиш, хўжалик ва мада- ний қурилиш вазифаларини ҳал қилиш учун ички резерв ва имко- ниятлардан тўлароқ фойдаланиш ҳақида улар билан маслаҳатла- шишга қарор қилди. Область пар- тия комитетининг 1969 йил фев- ралда бўлиб ўтган VI пленуми об- комнинг ҳисоботини қараб чиқди ва тасдиқлади ҳамда область пар- тия комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатларига бош- ланғич партия ташкилотларида доклад қилишни топшириб. Ҳо- зиргача область партия комитети- нинг аъзо ва аъзоликка кандидат- ларидан 111 киши бошланғич пар- тия ташкилотларида доклад қилди.

Владимир Ильич Ленин партия раҳбар кадрларнинг меҳнаткаш- ларга бевосита мурожаат қилиши, улар олдида доклад ва нутқлар би- лан чиқиши — омма билан алоқа- ни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш- нинг, уларни социалистик қури- лиш вазифаларини бажаришга ак- тив қатнаштиришнинг муҳим вос- таси эканлигини бир неча бор таъ- кидлаган эди. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Мажлисларда сўз га чиқиб, шахсан таъсир қилиш— снесатда жуда ҳам катта аҳамият- га эга».

Ҳақиқатда ҳам омма ҳамма нар- сани билса, ҳамма нарса тўғриси- да фикр юрита олса ва ҳамма нар- сани онгли равишда бажаришга киришса, ана шундагина ҳар қан- дай вазифа бажарилиши, ҳар қан- дай қийинчилик енгилиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам партия. В. И. Ленин оммани уюштириш ва тарбиялаш ишида партиянинг бар- ча аъзолари, биринчи галда раҳ- бар кадрларнинг актив қатнашчи- ларини таъминлаш ҳақида, ҳар бир коммунист ва раҳбар ходим ўзи- нинг ҳар бир қадамини бутун ама- лий фаолиятини партиянинг омма билан алоқаси нуқтаи назаридан баҳолашини таъминлаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилдилар.

Партия раҳбарлигининг ленинча принципларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган КПСС XXIII съездидан буён орадан уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ана шу давр мобайнида Автоном республикада ҳам хўжаликка партия раҳбарли- гини яхшилаш борасида қатор иш- лар қилинди. Бу саноат ва қиш- лоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг гуркираб юксалаётганлигида ўзи- нинг ёрқин ифодасини топмоқда.

В. И. Ленин туғилган кунинг шонли 100 йиллиги кундан-кунга тобора яқинлашмоқда. Область партия ташкилоти Автоном рес- публика меҳнаткашларининг куч ғайратини ана шу қутлуғ сана ша- рафига олинган юксак социалис- тик мажбуриятларни шараф билан муваффақиятли бажариш учун ку- раша сафарбар этиш учун астой- дил курашаверадилар.

Фотолавҳалар

Андижон областидаги Ленин рай- он пахта тозалаш заводи бу йил қариб 70 минг тонна «оқ олтин»ни қабул қилиб, қайта ишлайди. Завод капитал ремонтдан чиқарилди. Суратда: Ниёзботир тайёрлов пунктида.

Р. Ашуров фотоси,
ЎзТАГ фотохроникаси.

Оператор Алижон Мўминовни Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг коллективи ҳурмат билан тилга олади. Алижон бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг сергайрат ишчиларч фидокорона меҳнат қилиб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритаётирлар. Суратда: Алижон Мўминов иш устида.

Р. Жуманиёзов фотоси.

БИРЛАШДИК—ЎЗДИК

Сўз—колхоз тузуми ветеранларига

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилгандан кейин батраклар-нинг коллектив бўлиб ишлашга ҳоҳиши кучайди, бизнинг қишлоғимизда ҳам бойларнинг ерлари деҳқонларга бўлиб берилди. Ана шу ерларнинг эгаси бўлган батраклар бирлашиб, 1930 йили колхоз туздилар. Коллектив хўжалиққа «Ўткун» номи берилди.

90 хонадон вакиллари Муллаалим бойнинг отхонасига тўпланишиб мажлис ўтказдик. Қишлоқдаги деҳқонларнинг тўртдан бирини ташкил этган хонадонлар бир ёқадан бош чиқариб ишлаяжагини изҳор этди. Бойнинг меҳмонхонаси колхоз идораси бўлиб қолди.

Ўша йили колхозда бир неча жуфт хўкиз, омоч, сўқа бор эди. Асосий ишлаб чиқариш қуроли кетмон ҳисобланарди. Мен ҳам бисотимдаги битта от-аравам билан колхозга аъзо бўлиб кирдим. Пахта майдонимиз 100 гектардан сал кўпроқ эди. Қуруқ қўл, омоч-бўйинтуриқ билан нима ҳам қилиб бўларди, дейсиз?! Ҳосилдорлик нари-бери 8 центнерга борди.

Баъзилар колхоздан чиқиб кетмоқчи ҳам бўлишди. Лекин биз уларга фақат ҳалол ва фидокорона меҳнат билан колхозни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиқ экинларидан, айниқса, пахтадан юқори ҳосил етиштириш мумкин эканлигини қайта-қайта таъкидладик. Шу билан бирга, ўзимиз бошқаларга қараганда кўпроқ меҳнат қилишга уриндик ва бунинг уддасидан чиқдик. Колхозда ҳозир ҳам баракали меҳнат қилиб келаётган ветеранлардан Йўлчи Матхолиқов, Аббос Орипов, Дадажон Мўминжонов, Азиз Зиёев, Ҳожибой Исажонов, Ҳожиакбар Соатов ва бошқалар ўша — 1930 йилда ҳам ишда танилган кишилар эди. Шуларнинг ташаббуси, ғайрат-шижоати туфайли колхозимиз аста-секин оёққа тура бошлади.

Биз ишни қишлоқни қайта қуришдан, одамларнинг кайфиятини кўтаришдан, маҳсулот етиштиришни бутун норалар билан кўпайтиришдан бошладик. 1937 йилдан 1939 йилга қадар 600 киши сиғадиган клуб ва колхоз правлениеси учун идора қурдик. Ўша йиллари тўлиқсиз ўрта мактаб ўқувчилари учун етти хоналик мактаб биносини битказдик. Колхозчилар фарзандларидан 150 кишини қишлоқ мактабига тортдик. Ишларимиз аста-секин юришиб кетди. Ҳосилдорлик кўпайиши туфайли даромадимиз ҳам ортди.

Колхоз энди қаддини ростлаб олган бир пайтда Улуғ Ватан уруши бошланиб кетди. Йигитларимиз фронтга жўнадилар. Колхозда фақат 12-13 та эркак қолди. Эркаклар ўрнини хотин-қизларимиз эгаллашди. Азамат аёлларимиздан Ойхон Эргашева уруш йилларида Коммунистик партия сафига аъзо бўлиб кирди ва биринчи бўлиб трактор рулига ўтирди. Кунни-тунга улаб, далаларда жавлон урди. Бир ўзи неча ўнлаб кишиларнинг оғир меҳнатини енгиллаштирди. Умри Ашурметова, Салима Ҳайдарова каби хотин-қизларимиз ҳам колхоз тузумининг ветеранларидан. Умумий юксалишга эришувимизда уларнинг алоҳида улуши бор. Ватан уруши йилларида коллектив хўжалиқ бешигини тебратган ҳам асосан шулар.

Колхозчиларимиз фронт учун, разил душман устидан ғалаба қозонишимиз учун пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда орттирган маблағларини ҳам Совет Армиясига совға қилишди. Умуман, колхоз бўйича Совет Армияси фондига 3 миллион сўм пул жўнатдик. Ҳа, немис фашизми устидан қозонилган ғалабада бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, деб фахрланамиз.

Урушдан кейинги йилларда хўжалигимиз ривожлана борди. Орадан бир неча йил ўтгач, қўшни Карл Маркс номли ва «Қизил Ўзбекистон» колхозлари ҳам бизга қўшилиш истагини билдиришди. Уларни мамнунлик билан коллектив хўжалигимизга қабул қилдик. Экин майдони 1000 гектарга етди. 1952 йилга келиб колхозимиз сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилди. Ўшандан буён шаҳар аҳолисига, мамлакатимиздаги саноат марказларига хилма-хил сабзавот маҳсулотлари етказиб беряпмиз.

Илгари қолоқ, кам ҳосилли ҳисобланган колхозимиз эндиликда бақувват, тўқ ва фаровон ҳаёт кечираётган улкан хўжаликка айланди. Эски пастқам уйлар ўрнида замонавий кенг ва ёруғ бинолар қад кўтарди, йўлларга асфальт ётқизилди. 750 та хонадоннинг ҳаммасида Ильич чироқларининг кумуш шуъласи жилва таратиб турибди. Барча хонадонларда радио ва телевизорлар бор.

Колхоздаги иккита мактабда меҳнаткашларнинг қариб 2000 фарзанди таълим олмоқда. Ўтган йили 1000 болага мўлжалланган уч қаватли ўрта мактаб биносини қуриб битказдик. Бунга колхоз хазинасидан 450 минг сўм маблағ сарфланди.

Хўжалигимизда 250 гектар боғ ва токзорлар ҳосили қишин-ёзин кенда бўлмайди. 700 гектар майдонда сабзавот маҳсулотлари етиштириб, шаҳарлик биродарларимизни хушнуд этмоқдамиз. Ана шу ишларни бажариш учун давлатимиз бизга 30 та трактор, 25 та автомашина ва бошқа техника ҳамда транспорт воситаларини бериб қўйибди. Бундай девкор куч билан ҳар қандай ишнинг ҳам уддасидан чиқса бўлади.

Ишларимизнинг мазмуни кишини қувонтиради. Ҳар йили 1,5 миллион сўм даромад қиляпмиз. Бу йил ҳам 5205 тонна сабзавот маҳсулотлари, 1690 тонна картошка, 480 тонна қовун-тарвуз, 720 тонна мева ва узум етиштирамиз. Даромадимиз янада ортади.

Одамларимиз колхоз тузумидан беҳад миннатдор. Улар колхоз деҳқонлар учун коммунизм мактаби дейишяпти. Коллектив хўжаликни тағин ҳам мустаҳкамлаш, обрўсини янада ошириш, коммунистик мўл-кўлчилик учун курашга ҳаммани сафарбар этиш шу кунларнинг энг асосий вазифаси демоқдалар. Бу вазифалар колхоз (қишлоқ хўжалик ёртели)нинг янги намунавий Устави лойиҳасида ўз ифодасини топган.

Шу муносабат билан баъзи мулоҳазаларни айтишни истардик.

Чуноқни, колхозчилар учун ҳар ҳафтада бир марта дам олиш куни белгилашни янги Устав лойиҳасида қонунлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Меҳнат минимумини бажарган колхозчиларга ҳар йили 15 кунлик отпуска бериб туриш янги Уставда кўзда тутилса айни муддао бўлади. Колхозчиларга касаллик варақаларига қараб ўртача ҳақ тўлаб беришни ҳам Уставда кўзда тутиш керак.

Колхозчилар фарзандларини олий ўқув юртларида ўқитиш тўғрисида ҳам Уставда бирор модда баён этилса ёмон бўлмасди. Негаки, ҳозир колхозларда инженерлар, мелиораторлар, ирригаторлар етишмаётган бир пайтда ана шу ихтисосдаги кадрларни ғайёрловчи институтларга қабул қилиш тартибини қаноатланарли деб бўлмайди. Бундай институтларга колхозлар колхозчи фарзандларини юборишлари ва уларга бутун ўқув муддати давомида колхоз ҳисобидан стипендия тўлаб туришлари айни муддаодир. Чунки, колхоздан бориб ўқиган студент бирор ихтисосни эгаллаганидан кейин ўз колхозига қайтиб келади. Ана шу қадда янги Уставда бирор фикр айтилишининг тарафдоримиз.

Мақсудали МАЪМУРОВ,
Тошкент область, Калинин район Генерал Собир Раҳимов номли колхоз раиси.

Наманганнинг олмаси ҳил-ҳил пишибди...
М. Тўйчиев фотоэтюди.

НАФОСАТ ТАРБИЯСИ

ЎЛКАМИЗ ЧИРОЙИ

Гўзаллик ва мангу навқирон ҳаёт рамзи бўлган сахий табиатнинг ажралмас қисми — ўсимликлар дунёсидир. Шунинг учун ҳам жонажон Ўлкамиз ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этади. Табиатни, жумладан тенгсиз чиройи билан диларни мафтун қилувчи ўсимликлар дунёсини сақлаш ва ардоқлаш орқали қишлоқларда юксак ватанпарварлик ҳамда жонажон Ўлкамиз бойликларидан фахрланиш туйғулари кучайиб боради.

Табиатни ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш борасида Иттифоқимизда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Шахсан В. И. Ленин революциядан сўнгги дастлабки йиллардаёқ табиатни қўриқлаш ҳақида давлат чоралар кўришни талаб қилди ва бу ҳақдаги қарор ва декретларга имзо чекди. Халқ Комиссарлар Советининг табиат дурдоналарини, боғлар ва парклари муҳофаза қилиш ҳақида 1921 йил 16 сентябрдаги декрети буниг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистонда ҳам табиатни муҳофаза қилиш ҳақида самарали ишлар қилинди. 1959 йил 19 ноябрда Ўзбекистон СР Олий Совети табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қонун қабул қилди. 1967 йилнинг 18 апрелида эса республика Министрлар Совети Ўзбекистон табиатни қўриқлаш жамиятининг Уставини тасдиқлади. Шундай қилиб табиатни қўриқлаш проблемаси давлат миқёсидаги ишга айланди.

Ўзбекистонда ёввойи ҳамда кенг тарқалган маданий ўсимликларнинг 137 оила ва 1023 туркумга кирадиган 4170 дан ортиқ тури бўлиб, улар қақраб ётган чўлларнинг қумли, шўрҳок тупроғида, қум уюмларида, тақирларда, шағалли адирларда, тоғ ён бағирларида, қоя тошлар орасида, офтоб гегмас ғорларда, дарё соҳилларида ва кўркам дўлларда тарқалган. Бу ўсимликлар беқиёс чиройи ва ажойиб фойдали фазилатлари билан киши диққатини ўзига жалб этади. Булар орасида халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун хом ашё ҳисобланган кўпгина ўсимлик турлари бор.

Биз биргина фойдали ўсимликларни эмас, умуман ўсимликлар дунёсини табиий ҳолда сақламоғимиз лозим. Ўзбекистон манзаралари ўсимлик ландшафтларига ҳам гоят бой. Бироқ ёзги пайтларда республикамиздаги қордиқ чиқариш манзилгоҳларига борувчи айрим шаҳслар тақиқ қилинган чегараларни бузиб кирадилар, айрим хушманзара ўсимликларни, ноёб ўсимликларни оёқ остига қиладилар. Шунингдек, тоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда колхоз ва совхоз молларини боқишда ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу туфайли айрим воҳадаги ёнбағирларда ўтлоқлар йўқолиш даражасигача келиб қолган. Бунинг окибати ўша ерларда гупроқ эррозиясининг кучайишига, намгарчиликнинг кеснин намайиб кетишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон ёввойи хушманзара гуллароғи ҳам гоят бой. Улар табиий ҳолда ўсишига қарамай, ўзларининг нафис ва ранг-баранг барглари билан кишиларни асрлар ошя ром этиб келади. Аммо республикамизда гул запаслари йил сайин тобора камайиб бораяпти. Бир вақтлар республикамизнинг азиз ва тоғларидан кенг ўрин олган лолазорларни эндиликда яқин орадан излаб тополмайсиз.

Ўзбекистонда табиат боғридан ўрин олган озиқ-овқат, ем-хашак, доривор, ошлов модда ва бўёқ берадиган ўсимликлар жуда кўп. Енгоқ, бодом, писта, жилонжийда, қатроқин, оққайин, сариқ дўлана, нок, сафсон (хурмо), анор, бўяноч, бурмақора, говоч ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу ўсимликларнинг табиий майдонлари жуда қисқариб кетган. Ноёб ўсимликларнинг аксарият қисми одам оёғи етмаган узоқ жойлардагина сақланиб қолган. Масалан, енгоқ, писта, бодом, анор каби ўсимликлар республикамизнинг Чотқол, Ўтам, Псков, Боботоғ, Қорагоғ, Коржантоғ, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг айрим ёнбағирларидагина учрайди. холос. Қишмати жиҳатидан тенги йўқ бу ҳаратлар йил сайин камайиб бормоқда. Улардан ўтин, қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш ачинарли оқибатларга олиб келяпти.

Республика ўсимликлар дунёсини, шу жумладан ноёб ўсимликларни қимоя қилиш биргина табиатни муҳофаза қилиш борасида маъмуриятининг ёки ботаниклларнинг гина иши бўлмай, балки бутун жамоатчилиқнинг ишидир.

У. ПРАТОВ,
биология фанлари кандидати.
П. ХОЛҚУЗИЕВ,
аспирант.

Раҳмат ФАЙЗИЙ, Ҳабиб НУЪМОН.

ЧЎЛДА КЎРГАНЛАРИМИЗ

Ёзувчилар пахта далаларида

Сирдарё областининг маркази — Гулистонга етгач, кун ботиш томонга бурилсангиз, катта асфальт йўл янги совхозларга олиб боради. Бу хўжаликларни бирин-кетин ўтиб, чўлнинг ичкарисига кираверасиз. 16, 17, 18, 19-совхозлар. Ҳар бирининг марказ янги типдаги поселкадан иборат. Бинолар замонавий усулда қурилган. Чўл ўрнида қисқа даврда шунақа катта ўзгаришлар бўлганига дафъатан ишонгингиз келмайди. Далалар ҳам замонавий, деҳқончилик ҳам замонавий. Экин ариқдан сув ичмайди: цемент ариқлар, цемент ўқариқлар, цемент қайнамалар, цемент ташламалар. 100-200 метр узунликдаги қувурлар 2-3 тегирмон сувни бир қултум ҳам ерга тўкмай, у пайкалдан- бу пайкалга олиб ўтади.

Сентябрь. Далалар файзли, тўкинчилик даври. Икки ёқ кўм-кўк экин. Бўлиқ ғўзапарнинг тўқ-қизилга айланган гуллари бирин-кетин тўкилиб, ўрнида тихмачоқ кўсаклар ҳосил бўлган. Онда-сонда очилган пахталар кўзга ташланади. Полизларда қучоққа сиғмас тарвузлар, газ бўйи қовунлар думалашиб ётибди.

Биз ўтган йил илк кузда ташкил этилиб, бу йил биринчи марта деҳқончилик қилаётган Абай номли 20-совхозга боришимиз керак. Гулистонда бизга бир киши ҳамроҳ бўлди. У ҳам шу янги совхозга бораркан. У кўпни кўрган, ўтмишдан хийла хабардор одам кўринди.

— Бу ёғи янги совхозга қарайди — деди ҳамроҳимиз 19-совхознинг обод посёлкаси, боғларидан ўтиб яйдоқ далага чиққач. — Қозоқнинг машҳур оқини Абай бир вақтлар шу ердан Самарқандга ўтган, Сардобага тушиб сув ичган экан. Янги совхознинг номи шунинг учун Абай қўйилган.

Ҳамроҳимизнинг гапидан кейин то совхозга боргунча чўл ҳақида суҳбатлашиб кетдик. Афсоналар, ҳикоя, достонларга мавзу бўлган чўл: дашти-биёбонлар ҳақида эшитиш нақадар мароқли. Ахир, бир қултум сувнинг қадри чўлда билинади-да, дўст билан душман чўлда ажратилади. Қадим замонда чўл кезувчилар, поёни йўқ қум-саҳроларни даҳшат остида босиб ўтувчилар халқ орасидан терилиб чиққан жаҳонгаштаҳлар, довюраклар бўлгувчи эди.

Ҳозир ҳам шундай. Гарчи чўл инсон ақли заковати, қудратли техника туфайли обод бўлган, боғ-бўстонга айлантирилаётган бўлса ҳам, ҳамон ўзига хос қийинчиликлари, машаққатлари йўқ эмас. Айни пайтда ҳам чўлга отланувчилар жанг майдонлар, ғайрати жўш урган ватанпарварлардир. Мажмон Дадажонов, Маннон Жалолов, Қувондиқ Абдураззоқов, Шоймардон Қудратов, Инобат Охунова, Қурбон Кенжаев каби қаҳрамонлар ўзлари туғилиб ўсган жойларини, обод қишлоқлари, боғ-роғларини ташлаб Мирзачўлга, Шеробод даштига, Марказий Фарғонага отланганлар. Улар чўлқуварларнинг олдинги сафида бориб, ўзларининг кетидан юзлаб, минглаб кишиларни эргаштиримоқдалар.

Қалб амри билан бу янги совхозга келганлар ҳам қазилакам баҳодирлар эмас, албатта.

Ҳамроҳимиз совхоз марказига етгач, тушиб қолди. Бирдан кўз ўнгимизда қалингина бинолар жойлашган посёлка намоён бўлди.

— Бу Мирзачўл районининг маркази, — деди ҳамроҳимиз таажжубланганимизни билиб. У район ходимларидан бўлиб, янги хўжалик ҳақида анча нарсадан хабардор экан. — Совхоз учун қурилган бинолари район ташкилотларига беришга тўғри келди. Совхоз ўзига посёлканинг нариги чеккасидан жой қилади.

— Совхоз қанча ерни ўзлаштирди?

— Шу йилнинг ўзида тўрт минг гектар ерга пахта экдик. Бошқа соҳаларини аниқ билмайман.

Биз Абай номли совхознинг идораси томон кетдик. Ҳалиги кишининг айтишича, совхознинг одамлари шу йил кўламда қаердан келган. Хўжаликнинг территорияси-да тузук-қуруқ бино кўринмайди. Тураржойлар ҳам йўқ ҳисоб. Чўл ҳақида газеталарда, китобларда жуда кўп ёзилган. Аммо чўлда одамлар қандай ҳаёт бошлашини ҳар ким ҳам тасаввур қила олмайди. «Фалон ерда янги совхоз тузилибди» деса, баъзилар, «Ҳа, давлат ер беради, пул, техника беради, экин экиб, тирикчилик қилиб кетаверади-да», деб ўйлашади. Чўлнинг ўзида бўлган, шамоли, қум-тўзони, қирчиллама совуғи-ю, жазирама иссиғини курган одамнинг тасаввури бошқача бўлади. Шунинг учун бу соҳага алоқадор одам янги ер очиб, деҳқончилик қилишнинг қийинчиликларини кўз ўнгига келтириб, ишнинг равон юришиб кетиш-кетмаслигини ўйлаб, аввало хўжаликка ким раҳбар қилиб юборилганини, унинг мутахассисларини суриштиради. Абай номли янги совхознинг жуда еш эканини билгач бизда ҳам шундай мулоҳаза пайдо бўлди. Биринчи навбатда, совхознинг директори билан танишмоқчи бўлдик.

Совхоз идораси бир қаватли пастак иморатга жойлашган. Тежамкорлик нуқтаи назаридан бўлса керак, хоналар кичик-кичик қилиб ажратилган. Юргина қабулхонадан ўтиб, директор кабинетига кирганимизда 40-45 ешлар ўртасидаги киши телефонда сўзлашар эди. У қора қош, қора кўз, келишган. Гапларидан директор шу киши эканлиги маълум бўлди. У бизга ҳурмат билан бошини қимирлатиб, қуришиш имконияти кўплигидан хижолат бўлгандек назар билан қарагач, телефонда гапиришишда давом этди.

... — 55 та... 8 та... 10 сентябрга... 12 сентябрдан хотиржам бўлинг... Энгимиз, техникадан, одамдан кўпроқ ёрдам берасизда!..

Директор асли қозоқ бўлса ҳам соф ўзбекча гапирарди. Лекин сўзининг орасида қозоқ мақолидан келтирарди. У бирдан қаттиқ кулиб юборди. Кевин трубкани қўйиндда, биз билан кўришди.

— Кечирасизлар, ишлаги билан гаплашиб қолдим.

Унинг район раҳбари билан сўзлашганини англадик.

— Ишлаги билан нимани гаплашдингиз?— телефондаги кулгининг сабабини билишга қизиқдик.

— Машиналар ремонти, дефолиацияни сўраяпти, ишлаги. Директор бизга ҳам маълум бўлсин учун рақамларни такрорлади — 50 та терим машинасидан 35 таси ремонтдан чиқарилганини, 8 таси 10 сентябргача тахт бўлишини, 14 сентябрдан дефолиацияни бошлашимизни айтдим.

— Кулишдинглар-ку!

— Ҳа, — деди директор чеҳрасига ёқимли тус берио. — Янги хўжалигимиз, десам ишлаги ҳадеб янгимиз деяверма, эмизикдан чиқдинг, энди совқатни ўзинг ейдиган бўлдинг, дейди.

— Ҳарҳаша қилмадингизми, — директорнинг очиқ кўнгилли, одамшавандалиги бизда ҳам унга ҳазил қилишга майл туғдирган эди.

— Сузгимиз қотганча йўқ, десам ҳам қулоқ бермайди, ишлаги маҳкам тут, дейди. Бир пасда эл бўлиб кетдик. Кулгини эшитиб, одамлар «нима гап» дегандек эшикдан муралаб қуришарди.

— Майли, нима ҳам қилардик. Шунча жойга етиб келдик. Бу ёғини ҳам тўғрилаймиз, ишлаги айтгандек, белимизни маҳкам тутамиз.

Сифатой Минтоев мирзачўллик маҳаллий кадрлардан. Янги ер очиб, чўлда пахта етиштириб, шу ишнинг омилкори бўлиб қолган. Ўтган йили Сирдарё областидаги совхозлардан бирида бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1968 йил сентябрининг охирида шу янги совхоз тузилиб, уни директор қилиб юборишган. «Ишлаги деган билан оғиз ачиб-майди», биргина ернинг ўзи билан деҳқончилик қилиб бўлмайди. Янги директор елиб-югурди. Одамларни йиғди. Техника олиб келди. Кўклам чиқиб, чигит экадиган вақт келгунча кеча-кундуз тинмади. Совхозга бир ёқдан одамлар кўчиб келаётган бўлса, иккинчи ёқда ер ҳайдаш, экиш ишлари бораверди. Шундай қилиб, 4 минг гектар янги ер узлаштирилиб, чигит ташланди. Сувли ва лалмикор бўлиб жами 1700 гектарга дон экилди.

— Яқинда совхозимиз бир ёшга тўлади.

Дастлабки ютуғимиз чакки эмас. Ҳар гектар галлазордан 11 центнердан ҳосил кўтардик. Пахтачилигимиз ҳам шунақа бўлади, албатта. 22 сентябрда машина теримига тушамиз. Шу кун худди совхозимизнинг бир йиллик кичкина юбилейига тўғри келаркан. — Директор мамнун оҳангда, болаларча ғурур ва шодлик билан гапирарди.

— Бир ёшга тўлган бўлсангиз, энди сут эммасангиз ҳам бўлар экан, деб яна ҳазил қилдик.

— Тўғри, — кулиб туриб сўзини давом эттирди директор. — Янги туғилган вақтимизда ердан бошқа ҳеч нарса йўқдек туюлган эди. Давлатимизга минг раҳмат, ҳамма нарсани етказиб берди, техника дейсизми, ўғит дейсизми, маблағ дейсизми, бошқалардан эртароқ олиб келяпмиз. Бу йил биринчи хосилни йиғиб-теріб топширсак, келаси йили қўшни совхозлар билан сира қўрқмай беллашамиз.

— Бу йилчи?

— Бу йил чамамиз етиқирамайди. Ҳосилимиз паст. Гектаридан 13 центнер пахта берамиз. Лекин кораб турмаймиз. Анчагина оширсак керак.

— Ишчи кучи етарлими?

— Шундан ноқорроқмиз. Бир одамга 20 гектар пахта тўғри келадиган оригаделарим бор. Ғланда 80 процент ҳосилни машинада теріб олишимиз керак. Лекин қупроқ термасамиз бўлмайди, ғаҳбарлар терим вақтида машинадан, ердамчилардан қарашиб юборишса ,яхши бўлади. Лекин узимизнинг одамларимиз ҳам меҳнаткаш. Ҳозиргача ҳамма ишга улгуряпмиз. Ҳали далага олиб чиқаман, ушанда курасизлар. Ҳозир юринглар, уйга борио чой ичамиз.

Директорнинг уйи ҳали битмаган. Ҳовли саҳнида тахта, ёғоч, ғишт, пайраҳалар қалашиб ётибди. Ошхонанинг усти епилмаган, молхонанинг девори ярим кўтарилган.

Чойдан сўнг далага чиқдик. Мирзачўл ерлари шўрҳоқ бўлгани учун пайкаллар ўртасида уруғ кўкармаган, ёки ниҳол мурғаклигида шўр қақшатиб кетган катта-катта бўшлиқлар бўлади. Буни мирзачўлликлар «аэродром» дейишади. Сўнгги йилларда у деярли йўқолган. Биз Абай номли совхозда шунақа «аэродром»лар кўп бўлса керак деб ўйлаган эдик. Лекин окроп пайкалда учратмадик.

— Ерни яхшилаб ювишга, шўрини тозалашга ҳаракат қилдик — деди директор, бизнинг нима ўйлаганимизни фаҳмлагандек — ҳар гектар ерда 100 минг тупдан ортиқ кўчат бор.

Дарҳақиқат, гектарлар тўлиқ. Ғўза орасида ўт кўринмайди.

— Гербицид сепганмисиз — деб сўрадик.

— Иуте — деди директор, — «ҳосили паст-ку, ўт босса ҳам 13 центнердан берди» деб ўйлашган бўлса керак, оошқа совхозларга гербицид беришди-ю, бизга беришмади. Культивацияни вақтида қилдик, иккі томонлама юргизишни тўхтатмадик. Ўт ўсмади.

Учинчи бўлимга борганимизда директор машинани тўхтатиб, бизни тушишга таклиф қилди. Кенг далада ёлғиз барак бор. Барак ёнида хонадон жойлашган. Баракнинг бир бурчагидаги кичкина хона — бўлимнинг идораси, қолган қисмга каравотлар қўйилган. Чамаси, бола-чақасиз бўйдоқлар шу ерда ётишса керак. Баракнинг атрофида бир гектарча ер бўлиб, унинг бир қисми гулзор қилинган, бир қисмига ишчилар ейиши учун ,қовун-тарвуз экилган. Ҳамма бўлимда шунақа экан. Учинчи бўлим 880 гектар ерда пахта етиштиради. Мажбурияти 16 центнер. Бўлим бошлиғи Тўрахон Абулқосимов пахта заводидан келган, истараси иссиқ йигит. Директор у билан бизни таништириб, гапни ҳазилдан бошлади.

— Тўрахон бултур пахта қабул қилярди, бу йил ўзи пахта топширади. Пахтани ўтқазиш қанақалигини кўраяпсан.

— Кўраверамиз, ога. Яхшилаб қабул қилардик. Энди яхшилаб топширамиз, хотиржам бўлинг.

— Қанча машина олиб келдинг?

— Саккизта, яна учта олиб келамиз.

Барек оркасида қатор турган терим машиналарини эсладик

Бўлимда ўтириб тарвуз-қовун едик. Аччиқ-аччиқ чой ичиб, ҳордик чиқардик. Булунгурдан келган бригада бошлиғи еш йигит Рахим Чўлиев ҳурмат билан тутган бир даста гулни томоша қилиб ўтирдик. Чўлиев бригадасининг 105 гектар пахтаси бор. 6 киши ишлашади. «Ҳосилимиз гектарига 20 центнердан кам бўлмайди» дейди бригадир.

Директор блокнотини ёнидан олиб, варақлаи бошлади. Баъзи ўринга келганда ёзгаларини ўқиб, ўзича ўйланарди. У блокнотини чўнтагига солди-да, енгил нафас олиб бизга қарада:

— Бир ёғимизда машҳур механизатор, чўлқуварлар сардори Мамажон Дадажонов, иккинчи бикинимизда Хинабек ака (17-совхоз директори Уккибоевни айтади), атрофимизда яна бошқа пешқадамлар бор. Шулар олдида ерга қараб қолмасак эди, деб қўрқардим. Хайрият, йигитларимиз ерга қаратишмади. Одамларни билиб танлаган эканмиз. Мана, 4-бўлимга 25 йил колхозларга раислик қилган Ҳасан ака Турсунқулов бошчилик қилади. Агроном Рустам Каримов агротехникани жойига қўядиган ёш мутахассис. Лекин бир нарсадан чўчийман.

— Нимадан?

— Турар-жой етишмайди. Ўтин-кўмир бўлса сероб, материал келашиб етибди. Бино қуриб улгуролмайдиганга ўхшаймиз. Бу йил ҳам қиш қаттиқ келса, йигитлар кетиб қоладими, дейман.

Қақиқатан ташвишли муаммо. Ҳаммамиз ўйлаб қолдик. Яна директорнинг ўзи тасалли берди.

— Бу йил лоақал 30-40 хонадонни совхоз қурадиган катта бинога кўчириб киритамиз. Қолганлар ўзлари ҳаракат қилиб уй солишяпти. Лекин мундоқ қарасам, улгуришолмайдиган. Ғишт қуйса теролмайди, лой қорса суволмайди, баъзибирларнинг ёғоч кўтаришадиган, ғишт олиб берадиган йўқ. Уринниб қолишадиган, вақт ўтяпти. «Ҳаммангиз бир бўлиб ишланг, ҳашар йўли билан тезроқ битириб олинг» дедим. Шунақа қилишган эди, иш тезлашди. Бошпана қилиб олишса, сира жилишмайди, кўзим етади. Ундан кейин, яхши даромад оламиз. 13 центнердан пахта кўтарсак, давлатга 1 миллион 200 минг сўм фойда берарканмиз. Агар ҳосилдорлик 15 центнерга етса, фойда 2 миллион сўм бўлади. Давлатимиз шундан ишчиларга ҳашаматли уйлар қуриб беради-да, каёққа олиб борарди дейсиз. Бу йил улуғ доҳийимиз Ленининнинг 100 йиллигини тантана билан кутиб олишга шайланадиган юбилей йили Бизнинг эса, биринчи қадам қўйган йилимиз. Ленининг ўзи Башорат қилган, назар ташлаган Мирзачўлда меҳнат зое кетмайди. Албатта-албатта мақсадимизга эришамиз —

Янги хўжаликнинг янги кишилари билан узоқ суҳбатлашдик. Самимий хайрлашиб жўнедик. Мана, шунга бир қафтача бўлди. Мирзачўлнинг бир чеккасида сал фурсатда шунча иш қилган баҳодирлар, уларнинг аз-иродаси ва шу кадер кучли эдики, у ерда кўрган-билганларимиз сира кўз-ўнгимиздан кетмайди, эшитганларимиз қулоғимиз тагида ҳамон жаранглаб туради.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРМОН КЎПАЯВЕРАДИ

Ўзбекистон территориясининг қариб 11 процентини ўрмон ишғол қилган. Тоғ ёнбағирларида азим ёнғоқзорлар ва тоғ олчалар, қумликларда эса саксаулар қийғос ўсмоқда.

Дов-дарахтларни сақлаш, бу бойликни муттасил кўпайтириб бориш, ундан моҳирлик билан фойдаланиш халқ хўжалигининг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг табиат ва ер ости бойликларини қўриқлаш доимий комиссиясининг 15 сентябрда депутат С. М. Тоиров раислигида ўтган мажлисида бу вазифа амалда қандай ҳал қилинаётганлиги тўғрисида гапирилди.

Доимий комиссия аъзолари ўтказилган текшириш натижаларини муҳокама қилар эканлар, ўрмон хўжалигини ташкил этишдаги, мавжуд жиддий камчиликларга эътиборни жалб қилдилар. Кўпгина районларда, айниқса Қорақалпоғистонда ўрмонларни табиий қайта тиклаш процесси бузилган, илгари дов-дарахт ўсган неча минглаб гектар ер ҳар йили чўлга айланиб бормоқда.

Доимий комиссия ўз тавсияларида республика ўрмон хўжалигини тубдан яхшилашга қаратилган чоралар комплексини белгилаб берди. Бу тавсияларни Ўзбекистон ССР ҳукуматига тақдим этишга қарор қилинди. Тезда ҳал қилиниши зарур бўлган бир қанча масалалар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўрмон хўжалиги давлат комитети олдига қўйилди.

(ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

БАЛАНД ТОҒДАГИ ҚУРИЛИШ

Шимолий Кавказ тўқиларидан бири — Семнодниқида жаҳонда энг катта улкан телескоп қурилмоқда. Бу телескоп рефлекторининг диаметри 6 метрга боради. Денгиз юзидан 2000 метрдан баландроқ бу ерда ҳаводи кондициялаштирадиган техника блоки бўлган астрономик минора, икки қаватли меҳмонхона, уй-жой, ошхона, гараж, ёрдамчи бинолар қад кўтарди.

Бу рефлектор совет астрономларига оламнинг ҳали бирон телескоп «кўзи» тушмаган жойларини кўришларига ёрдам беради.

ТОЗАЛОВЧИ СЕПАРАТОР

Свердловскдаги химия машинасозлиги заводида оқинди сувларни алюминий гидроксидидан тозаловчи сепаратор тайёрланди. Бу машина кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

«Уралхиммаш» сепараторларидан Фармацевтика ва нефтни қайта ишлаш саноатида фойдаланилмоқда. Бу сепараторлар мотор мойи ва оқинди сувларни тозалашга ёрдам беради. Минутига 6,5 минг марта айланувчи бу машиналар ўзи орқали ўтказаётган суюқлиқдан бир микронгача келадиган аралашма зарраларини ажратиб чиқазади.

УНИВЕРСАЛ АВТОПОГРУЗЧИКЛАР

Львов бош конструкторлик бюросининг мутахассислари яратган уч тоннали ва беш тоннали автопогрузчиклар кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Синаш чоғида бу машиналарнинг яхши маневр қила олиши ва паст-баланд, ўнқир-чўнқир жойлардан бемалол ўтиб кета бериши маълум бўлди. Уларнинг ҳар бирида юк ортишдаги иш унумини анча оширувчи мосламаси бор.

Янги машиналар базасида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун бир неча хил намунадаги автопогрузчиклар яратилди.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

900 КАШФИЁТ

Софияда Болгария Халқ Республикаси 25 йиллигига бағишланган машинасозлик кўргазмаси очилди. Кўргазмага олиб кирувчи эшик пешанасига: «Болгар техникасининг жаҳон машинасозлигига қўшган ҳиссаси» деб ёзиб қўйилган. Кўргазмага қўйилган 900 кашфиётдан анчагина қисми фақат республиканинг ўзидагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда 18 давлатда, жумладан Совет Иттифоқи, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Италия ва Германия Федератив Республикасида болгар мутахассислари яратган кашфиётлар бўйича замонавий машина ва автоматлар ишлаб чиқарилмоқда.

Б. Янков, АПН.

ЧЎЛДА СУВ

Монголия яйловларида сув тўплашга катта аҳамият берилянти. Бу чорвачиликни ривожлантиришда катта омилдир. Олимларнинг ҳисоблашларича республикадаги барча қорамолларнинг бир суткада ичадиган суви 200 миллион литрни ташкил этаркан. Мамлакатнинг баланд тоғлиқ ҳарактерда бўлишига қарамай Монголия анчагина сув ресурсларига эга. Бу ерда сувнинг йиллик ҳажми 28 миллиард кубометрга тенг. Сўнгги уч йил ичида давлат сув соҳасидаги қидирув ва қурилиш ишларига 100 миллион тугриқдан зиёдроқ пул ажратди. Кўпгина дашт районларида қўшимча равишда қудуқлар қазилди. Яйловларни сув билан таъминлаш ишларида монгол чорвадоорларига Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси катта ёрдам кўрсатяпти.

Г. Харченко, АПН.

ЗАГРЕБ ЯРМАРКАСИДА

ЗАГРЕБ. Халқаро Загреб ярмаркасидаги виставка бинолари орасида совет павильонини қидириб топиш осон. Пўлат, бетон ва ойнадан қурилган улуғвор бино узоқ ҳилпираб турган Совет Иттифоқининг байроғини ва тўртта жуда катта ҳарф: СССРни кўрасиз.

Бу ер ҳамиша гавжум. Экспозицияда станоклар, автомашиналар, анъанавий хилма-хил мўйналар, товушдан тез учадиган «ТУ-144» пассажир самолётининг модели, енгил саноат буюмлари бор.

Шунингдек, виставкага келувчилар В. И. Ленининг ҳаёти ва меҳнати, революцион фаолияти тўғрисида, Совет Иттифоқида Совет давлати асосчисининг туғилган кунига 100 йил тўлишини байрам қилишга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар олдида узоқ тўхтаб қолишмоқда. Кўпгина зиёратчилар Совет павильонини кўриб чиққач, таассуротлар дафтарида қолдирилган ёзувларида совет экспозициясидан қойил қолганликларини таъкидламоқдалар.

КУБАДА РАДИОТЕЛЕСКОП

ГАВАНА. Куба территорияси устида қуёшнинг қисман тутилишидан фойдаланган Куба ва Совет мутахассислари қуёшни текширадиган энг янги радиотелескопни муваффақият билан синаб кўрдилар. Пулково астрономик обсерваторияси радиотелескопчи Куба Фанлар академияси ихтиёрига бериб қўйди. Қуёш тутилишини кузатишда Куба Фанлар академиясининг президенти Антонио Нуньес Хименес билан астрономия ва метеорология департаментининг директори Луис Ларрогоити қатнашдилар. Ларрогоити «Гранма» газетасининг муҳбири билан суҳбатда радиотелескопнинг ўрнатилиши Кубада астрономия фанини янада ривожлантиришда муҳим қадамдир, деди.

(ТАСС).

Ҳалқаро ҲАЁТ

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

БУЮК САНА ОЛДИДАН

⊙ **БАЙРУТ**, 15 сентябрь. (ТАСС). Ливан ҳалқ прогрессив матбуоти Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган материаллар босиб чиқаришни давом эттирмоқда.

Бугун ҳафталик «Ал-Аҳбор» газетаси Коминтернинг 1920 йилдаги II конгрессида аграр масалага доир Ленин ёзган тезисларинг баёнини эълон қилди.

Ҳафталик газетанинг шу муносабат билан берган сўз бошида бундай дейилади: «Коминтернинг II конгресси коммунистик партиялар тузилган дастлабки даврда уларнинг олдида турган бир канча муҳим проблемаларни ҳал қилиб берди.

Ленин конгресс делегатларига тақдим этилган ўзининг тезисларида қишлоқдаги синфий кучларнинг жойлашувини чуқур тасвирлаб берди ҳамда коммунистларнинг қишлоқ жамиятидаги турли социал табақаларга ёндошиш тактикасини белгилаб берди. Ленин революцион ҳокимиятнинг йирик феодаллар мулкига, ерни национализация қилишга ва энг камбағал деҳқонлар ўртасида тақсимлаб беришга нисбатан қандай позицияда туриши лозимлигини ҳам кўрсатиб ўтди».

Прогрессив «Ан-Нидо» газетаси Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан: «Ильич ҳаёти ва революцион фаолиятининг сабоғи» деган махсус рубрикада бугун В. И. Лениннинг «Великоруслларнинг миллий ғурури тўғрисида» деган мақоласидан парчалар босиб чиқарди.

⊙ **УЛАН-БАТОР**, 15 сентябрь. (ТАСС). Ульгий шаҳрининг (Ғарбий Монголия) марказий майдонида қурилаётган икки қаватли ёруғ бино Ленин кабинети учун тўла равишда бериб қўйилади, дейилади МОНЦАМЭ агентлигининг хабарида.

Баян-Улэгей аймоғи халқ депутатлари хурали ижроия бошқармасининг қарори билан шаҳарда Ленин кабинети бино қилинмоқда. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида ташкил этилаётган ва доимий ишлайдиган Ленин кабинети Ульгий шаҳрининг маданий ва оқартув-марказларидан бири бўлиб қолади.

Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ Нигерияда совет автомобиль техникасини ўргатмоқдалар. Суратда: москвалик инженер Анатолий Губанков нигерийлик механиклар билан моторни кўздан кечирмоқда.

Ю. САВИЦКИЙ фотоси, (ТАСС).

КЕСКИНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЛОНДОН, 15 сентябрь. ТАСС муҳбири А. Дряхлов хабар беради: Инглиз қўшинларининг янги қисмлари Шимолий Ирландияга келди. Энди мамлакатдаги инглиз қўшинларининг сони 7000 кишига етди.

Бироқ, Ольстерининг ҳукумат маъмурлари ва Англиянинг оккупациячи кучлари Бельфастдаги ва Лондондерридаги баррикадаларни олиб ташлашга ҳар қанча уринаётган бўлсалар ҳам унинг уддасидан чиқа олмаётирлар. Шу шаҳардаги кўчаларнинг кўплари ҳануз бир неча қатор баррикадалар билан тўсилиб ётибди. Уларнинг ҳимоячилари ўз позицияларини ташлаб кетмоқчи эмаслар.

Шимолий Ирландиянинг прогрессив жамоатчилиги Бельфаст ва Лондондерридаги католикларнинг маҳалларида қон тўкилишига ва катта вайронликлар қилинишига сабабчи бўлган машъум «Б-махсус кучлар»ни тарқатиб юборишни талаб қилмоқдалар.

СУВАЙШ КАНАЛИ ЗОНАСИДА ОТИШМА

ҚОҲИРА, 15 сентябрь. (ТАСС). Кеча кечкурун Сувайш каналининг зонасидаги районларда Миср ва Исроил қўшинлари ўртасида отишма бўлди. Отишма вақтида турли хил қуроллардан фойдаланилди. МЕН агентлигининг хабарида айтилишича, Исроил самолётлари маҳаллий вақт билан соат 16 дан 15 минут ўтганида Миснинг Сувайш канали соҳилида Заъфарон, Рас Шукейр ва Рас Ғариба районларидаги постларига ҳужум қилмоқчи бўлиб уринган. Аммо бу самолётдар Миср зенит артиллерияси ўти билан ҳайдаб юборилган.

МИННАТДОРМИЗ

ЛИМА. Президент Николос де Пиерол проспекти шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтади. Яқинда бу кўчадаги 179-уйнинг деворига: «Перу—Совет маданий алоқалар ассоциацияси» деб ёзилган бронза тахтача илиб қўйилди. Бу ерда СССРнинг Перудаги биринчи элчиси Ю. В. Лебедевни юзлаб кишилар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. У совет элчихонасининг барча аъзолари ҳамроҳлигида Перу — Совет маданий алоқалари ассоциацияси биносининг очилиш маросимида қатнашди.

Таниқли Перу ёзувчиси ва шоири Хуан Риос тантанали маҳлисда сўзга чиқиб, кўпчиликнинг фикрини шундай ифодалади: «Ер юзи кўп жиҳатдан Ленин Ватанидан миннатдор эканлигини биз ҳаммамиз яхши биламиз. Кеча у Европани нацистларнинг машъум ваҳшийлигидан халос этди. Бугун эса Куба революциясига ўз озодлигини ҳимоя қилиш учун ёрдам кўрсатяпти, Вътнам халқининг қаҳрамонона жасоратига ўз ҳиссасини қўшмоқда. 1917 йилдан бошлаб инсоният тарихида компас кўрсаткичи ўзгарди. Чунки Совет Иттифоқи туғилиши билан инсон Ер планетасини ҳашф этди».

Г. ВАЛКАРСЕЛЬ, АПН.

НИКОНИНГ ТЎТИҚУШИ

ПАМФЛЕТ

Қимматли газетхон, мабодо тасаввурингиз юнон файласуфи Суқрот образини гавдалантира оладиган бўлса, унда Нико Дроссоснинг ташқи қиёфаси сизга яққол намоён бўлади.

Нико Дроссос Тессалоник шаҳрининг энг чеккасида жойлашган кичик бир қоровқона эгаси. У саводли, шунингдек қоровқонасида ёши ўтинқираган, ўқишни ҳам, ёзишни ҳам биладиган ўғли ҳам бор эди. Бирор кимса ўзичинг ажойиб ресторани билан Никога рақобат қила олмасди. Унинг қоровқонасида хўрандалар фақат тузли зайтун меваси ва тайёрланган шўрва, нон билан оққатлантириларди, кейин албатта, олма ликёри, «анифол арағи»ю, тессалининг ажойиб мусалласи ҳам тортилади. Дроссоснинг набираси бўлса қоровқона рекламаси тўғрисида қайғурарди. Қоровқона деворларига тирик-лик учун қўйидагича донишмандлик сўзлари ёзилган:

«Агар қушдан кетгунча ичмоқчи бўлсангиз, авваланоқ ҳисоб-китоб қилинг!», «...Бойди-ю, бошингиз айланиб қолгудек бўлса, дарҳол ўтиринг!», «Мабодо ўзингизни-ўзингиз таниёлмай қолсангиз, справка учун Никога мурожаат қилинг!», «Агар ўзингизни чарчаган ҳис қилсангиз, дам олиш учун уйингизга жўнанг!», «Эсингизда бўлсин: Нико ўз мижозларини сира шарманда қилмайди; бу ерда бор пулингизни ялаб-юлқаб қўйсангиз ҳам хотинингизнинг хабари бўлмайди...»

Қоровқона шипида ичига ўргатилган тўтиқуш солиқлиқ қафас осиб қўйилган. Нико тўтиқушга қоровқонага келувчиларни: «Хуш келибсиз!» ва «Яна битта сипқаринг!» деган табрик сўзларини ўргатиб қўйган эди, тўтиқуш бу сўзларни айтиб, бидиллаб турарди.

Нико Дроссос тилининг ўткирлиги билан ҳам машҳур эди. Новчалиги учун хўрандалар уни ектиришарди. Ҳатто унинг ёнига баъзан маҳалла руҳонийси ҳам бирор қадаҳ мусаллас ичгани кирарди. Уларни манфаат бирлиги яқинлаштирганди. Ҳам шундаки, руҳонийнинг ҳам Никониқига ўхшаш тўтиқуши бор эди. Тўғри, руҳонийнинг олло-таолонинг даҳшати билан тарбияланган қуши ҳеч қачон бўлмағур сўзларни гапирмасди.

Никонинг жияни полковник Лерос ҳам қоровқонанинг доимий мижозларидан ҳисобланарди. Адольф Гитлернинг ашаддий полковникларидан Лероснинг чўп сира ўнгидан келмасди. У жуда ёмон ўқиганлиги ҳатто бўёқчи ҳам бўла олмади. У ҳам соф ирққа мансублиги билан керилларди. Шунинг учун Нико Дроссос билан полковник Лерос ҳар куни бир-биридан душман сифатида ажралиб турганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Нико ўз рақибини:

— Менга қара, йигит. Психиаторга бориб ўзингни кўрсат, бўлмаса сен ҳам Адольф учраган балога гирифтор бўлиб қоласан,— деган сўзлар билан эзарди.

Нико Дроссос гапга чечанлик қобилиятини йўқотиб қўйганлигига ҳам икки йилча бўлиб қолди. Мамлакатга қироллик ҳокимияти ўрнига полковниклар хунтаси келди, улар орасида Никонинг жияни ҳам бор эди. У амакисини огоҳлантирарди:

— Кўп эзмалик қилаверсанг, концлагерга қамаб қўямиз.

Нико жим турарди. Унинг ўрнига қафасдаги тўтиқуш сайраб кетарди:

— Йўқолсин диктатура! Полковниклар дорга осилсин!

— Ҳали шундайми,—дея ўшқирди полковник Лерос. Урнингга жавоб беришни тўтиқушга ўргатибсан-да. Бунинг оқибати нима билан тугашини биласанми?

— Руҳонийни концлагерга қамашади-да, — деди Нико маъюсланиб.

Шу пайт қоровқонага гандираклаган иккита мухожир солдати кириб келди. Нико улар нотаниш тилда сўзлашяпти, деб ўйлади, кейин билса, улар резина чайнашаётган экан. Солдатлар грек полковникини кўрмаганга олиб, столга ўтиришди-да меню ёзилганлари ўқий бошлашди. Улардан бири Нико томонга ўгирилиб:

— Эй чол! Тамадди қилишга нимаг бор?— деб сўради.

— Зайтун мевали шўрва, хоҳлайсизларми?

— Тезроқ олиб кел.

Нико зудлик билан ошхонага кириб, хўрандаларига икки идишда буғи бурқираб турган шўрва келтириб берди. Солдатлар шўрвани ҳидлаб кўришди-да, кейин ича бошлашди. Шу пайт улардан бири Никони чақирди:

— Бу қанақа ювинди бўлди? Бизда буни чўчқаларга беришади.

— Бизларда ҳам,— деди Нико совуққонлик билан.

Солдатлар полковник Лероснга маъюдор қилиб қараб қўйишди-да, шўрванинг қаҳини тўпашмасдан қоровқонадан чиқиб кетишди. Никонинг жияни амакисининг ёнига келиб, унинг ёқасидан бўғиб, деди:

— Агар отамнинг укаси бўлмаганингда отиб ташлаттирардим. Ҳорижий солдатлар бизнинг дўстимизлигини фаҳмладингми? Улар мамлакатимиз ҳукуматига ёрдамлашмоқда.

— Нима, у ҳали мустаҳкам эмасми?— деди Нико софдиллик билан.

— Мустаҳкам, лекин сенга ўхшаганлар уни агдариб ташламоқчи, сени охирги марта огоҳлантираман; ҳукуматга қарши бўҳтон гапларингни бас қилмасанг парранда қийини йиғиш учун Затоунга юборишади. Сенинг иккала катта ўғлинг ҳам ўша ерда. Тушунгингми?

— Тушунарли,— деди Нико итоаткорона. —Мабодо оғиз очгудек бўлсам, ҳукумат мени парранда қийини теришга жўнатиб юборади.

Полковник қўлини силтаб, тишларини ғижирлатганида, эшик томон жўнади. Эшик олдига етганда қафасдаги тўтиқушнинг:

— Йўқолсин диктатура! Полковниклар дорга осилсин! — деган овозини эшитиб қолди.

Қария ўзининг қанотли дўстига ҳайриҳоҳлик билдириб қараб қўйди-да, секингина пичирлади:

— Ўзинг қамоқда бўлсанг ҳам, оғзингни очаверар экансан-да...

Ана шундан сўнг Нико Дроссос яна ҳам камгап бўлиб қолди. Унинг набираси ҳавфсизлиқнинг фаҳмига етиб, қоровқонада деворларига қўйилган шиор ва реклаларни ёпиштириб ташлади:

«Чинакам Америка ароғидан ичинг, русларнинг унга қараганда ясамроқ!» «Чинакам Нато коктейлидан ичиб маза қилинг, ҳаётингиздаги мусибатни унутинг!», «Грециянинг ҳукумати дабдабали, Никонинг тўтиқуши эса пок»...

Полковник Лерос амакисига тўтиқушни йўқотиб юборишни маслаҳат берди. Қоровқонанинг доимий мижози бўлган бошини бошка томонга бурди. Полковник бўлса у билан суҳбатни давом эттирарди:

— Эҳтимол, сен ҳам диктатурани ағдариб ташлаш, полковникларни эса осиб юбориш керак деб ўйлаётгансан.

— Бирок шу пайт тўтиқуш тилга кириб, қатъий жавоб берди:

— Ҳа, худонинг хоҳиши амалга ошгай!

Мартин ЛАРНИ, фин ёзувчиси (АПН).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ СССРГА ТРУБАЛАР ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

ПРАГА, 15 сентябрь. (ТАСС). Прагадаги XI халқаро ярмаркада Совет ва Чехословакия ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари ўртасида тузилган битимни Хомутоводаги трубопрокат заводининг директори С. Главати «асримиз шартномаси» деди.

Шу шартномага мувофиқ Хомутово заводининг трубопрокатчилари газ ва нефть қувурлари ётқизиладиган совет қурувчиларига катта диаметрли чексиз трубалардан ҳар йили 202 минг тоннасини юбориб турадилар. Чехословакиядаги бу корхона чет мамлакатларга, жумладан Совет Иттифоқига ҳам сотиш учун кўп йиллардан бери труба тайёрлаб берайтган бўлсада, аммо бундай катта буюртмани шу дамгача олмаган эди. Хомутовдан СССРга юбориладиган трубаларнинг яқин узунлиги ҳозиргинг ўзидаёқ 30 минг километрга етай деб қолди.

Чехословакиянинг чексиз трубалари ўзининг яхши сифатлилиги билан машҳур. Хомутово заводи биринчи чексиз трубалар чиқара бошлаганига келгуси йилда 80 йил тўлади. Ўша вақтда бу завод жаҳонда биринчи бўлиб ана шундай маҳсулот чиқара бошлаган эди.

Имзоланган битим Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши нули билан қилинаётган ҳамкорлик доирасида СССР билан ЧССР ўртасида ўзаро маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги умумий шартноманинг муҳим моддасини амалга оширади.

Брно ярмаркасида Совет металлургия ҳом ашёсини Чехословакияга етказиб бериш тўғрисида ҳам битим имзоланди. Ҳар иккала битимнинг умумий миқдори Чехословакия пули билан ҳисоблаганда қариб 1 миллиард кронни ташкил этади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТИ ТЎПЛАМЛАРИГА ЁЗИЛИНГ

«МЕХАНИЗАЦИЯ ХЛОПКОВОДСТВА»

(рус тилида)

Бир йилда 12 марта чиқади.
Обуна ҳақи — йилига 3 сўм 60 тийин.
Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда илмий-тадқиқот, конструкторлик ташкилотлари ва корхоналарининг пахтачиликни комплекс механизациялаш бўйича янги техника яратиш соҳасидаги ишлари, техникани ремонт қилиш ва ундан фойдаланиш, пахтакор хўжаликларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг экономикасига доир масалалар, илғор механизаторларнинг иш тажрибалари ёритилади.

«ХЛОПКОВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ»

(рус тилида)

Бир йилда 4 марта чиқади.
Обуна ҳақи йилига 1 сўм 20 тийин.
Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўплам тармоқ илмий-тадқиқот ташкилотлари, конструкторлик бюролари ва заводларнинг пахта ҳамда луб саноатида янги техника ва илғор технология яратиш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасидаги иш натижаларини, шунингдек ишлаб чиқариш новаторлари тажрибаларини ёритади.

«Ш Е Л К»

(рус тилида)

Бир йилда 4 марта чиқади.
Обуна ҳақи йилига 1 сўм 20 тийин.
Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда илмий-тадқиқот ташкилотларининг тутчилик, ипак қурти биологияси, селекцияси ва қурт боқиш, пилла тайёрлаш ҳамда уни дастлаб ишлаш, пилла тортиш соҳасидаги иш натижалари ва ишлаб чиқариш новаторлари тажрибалари ёритилади.

«ЯНГИ ТЕХНИКА»

(ўзбек тилида)

Бир йилда 12 марта чиқади.
Обуна ҳақи йилига 3 сўм 60 тийин.
Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўплам илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг иш натижаларини, саноатнинг барча соҳаларида, транспорт, алоқа, қурилиш ва пахтачиликни механизациялашда Ватанимиз ҳамда чет эл фани ва техникаси эришган ютуқлари, ишлаб чиқариш новаторлари тажрибаларини ёритади.

Илмий-техника ахбороти тўпламлари саноат, транспорт, қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг инженер-техник ходимлари, ишлаб чиқариш новаторлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва лойиҳалаш-конструкторлик бюроларининг ходимлари, техникум ва олий ўқув юртларининг студентлари ва ўқитувчилари ҳамда партия ва совет активи оммасига мўлжалланган.

Тўпламларга «Союзпечать»нинг барча бўлимларида ёзилиш мумкин.

Газета ва журналларнинг 1970 йилги республика каталогида илмий-техника ахбороти тўпламлари қуйидаги индекслар билан берилган: «Механизация хлопководства» — 75214, «Хлопковая промышленность» — 75215, «Шёлк» — 75216, «Янги техника» — 75217. Обунани расмийлаштираётганда мана шу индексларни кўрсатинг.

Обунани қуйидаги адрес бўйича ҳам расмийлаштириш мумкин: Тошкент шаҳри, 47, Гоголь кўчаси, 56-ув, «Союзпечать»нинг шаҳар бўлими. Давлат банкининг шаҳар бўлимидаги ҳисоб расчети № 144306.

Ўзбекистон ССР Илмий-техника ахбороти ва тарғиботи институти Тошкент шаҳри, ГСП, Олмазор кўчаси, 171-уй, телефон 4-50-43.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт (халқ талантлари). 9.30 — Балет сюитаси. 9.50 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш (тожикча). 10.10 — Жаҳон халқларининг қўшиқ ва рақслари. 11.15 — «Темурийлар даврининг архитектураси» (суҳбат). 11.30 — Тўртинчи квартет. 13.30 — Рус халқ куйлари. 15.15 — Тожикистон радиосининг эшиттириши. 15.30—Қўшиқлар. 16.10 — «Совет Армияси қўшиқларда». 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Коммунистлар олдинги сафда» (русча). 18.40 — Спорт. 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20.30 — Концерт (саноат ходимлари учун). 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (пахтакорлар учун). 22.20 —Тожик куйлари. 22.40 — Шеърият кечаси. 23.15 — Куйлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари қўғирчоқ театрларининг фестивали. АЛПОМИШ (Андижон қўғирчоқ театрининг спектакли), 18.30 — **Кўрсатишлар программаси.** 18.35 — Телеянгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.45 — **Ленинча меҳнат вахтасида.** 19.05 — **Концерт.** 19.45 — **Телеянгиликлар.** 19.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 18.35 — **Ёз хотиралари** (болалар учун).

Рус тилида: 18.55 — **Хатолар ороли** (болалар учун, мультфильм). 19.20 — **Спорт** («Ешлик» студияси). 20.00 — **Пойтахтимиз меҳмонлари.** Танаффус вақтида **кинофильм.**

Ўзбек тилида: 22.00 — **Концерт.** 22.40 — **Сўнгги раунд** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 — **Мен севган шаҳар** (илмий-оммабоп фильм).

Рус тилида: 20.35 — **Сатира ойнаси** (катталар учун қўғирчоқ фильм). 20.45 — **Санъат усталари концерти.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IX да **Алишер Навоий.** 18/IX да **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IX да **Тошболта ошиқ.** 18/IX да **Жон қизлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Венгер ва совет цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сингилгинам Керри — «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (кўпфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Ҳавфли парвоз — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз 1 кеч 8 ярим ва 10 да).

Қутлуғ қон (ўзбек тилида, кундуз соат 2 ярим ва кеч 6.40 минутда). **Менинг ҳаётимсан** (ўзбек тилида, кундуз 4.20 минутда) — НАВОИЙ номли.

Ўтган кунлар — САНЪАТ САРОЙИ (кунду соат 5, кеч 6.45, 8.30 минут ва 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Сингилгинам Керри — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ҳавфли парвоз — «ХИВА».

ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қуйидаги кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МУДИРЛАР—фалсафа, рус тилшунослиги, математика, музика ва ашула (фан кандидатлари ёки катта ўқитувчилар);

ПРОФЕССОР ВА ДОЦЕНТЛАР — фалсафа, ўзбек адабиёти, ўзбек тилшунослиги, ботаника, СССР тарихи ва умумий тарих (фан докторлари ва кандидатлари).

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР — математика;

ЎҚИТУВЧИЛАР — инглиз тили.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Адрес: Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333489, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162, Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 38—42. Наманган 21—88, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 217. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 16428.